

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

Факультет: Фармацевтика  
Кафедра: Фармацевтика  
Ушбу йили: 2013-2014

Илмий раҳбар: Н.Д. Суёнов  
Мутахассислиги: "Менеджмент"  
(Фармацевтика)

Ҳал қилинган: \_\_\_\_\_  
Ҳал қилинган: \_\_\_\_\_


*Қўл ёзма ҳуқуқида*  
УДК: 614: 27: 615. 23

**АБДУЛЛАЕВА ДИНАРА ФАХРИДДИНОВНА**

**СИНУСИТ КАСАЛЛИГИГА УЧРАГАН БЕМОРЛАРНИНГ ДОРИ  
ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ  
ФАРМАКОИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ**

5A230201 – “Менежмент”(Фармация)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган  
диссертацияси



Илмий раҳбар:  
фарм. ф. н., доц. Суёнов Н. Д.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ

### ВАЗИРЛИГИ

**Факультет:** Фармация **Магистратура** талабаси:

**Кафедра:** Фармацевтика ишчиси **Абдуллаева Динара Фахриддиновна**

ташкил қилиш **Илмий раҳбар:** Н.Д. Суюнов

**Ўқув йили:** 2012-2014 **Мутахассислиги:** “Менежмент”

(Фармация)

#### Магистрлик диссертацияси аннотацияси

**Мавзунинг долзарблиги:** Ҳозирги кунгача синусит касаллигида қўлланиладиган дори воситалари билан таъминлашни такомиллаштириш муаммосини ҳал қилиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмаган. Шунга асосланиб ушбу муаммоларни бартараф этиш учун синусит касаллигида қўлланиладиган дори воситаларининг фармакоиктисодий изланишларини олиб боришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

**Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари:** Синусит касаллигида қўлланиладиган дори препаратларнинг фармакоиктисодий таҳлил қилиш.

да қўлланиладиган дори воситалари бозорини ўрганиш ҳудудлар бўйича касалликнинг тарқалиши ва дори воситаларининг истеъмоли ўрганиш ҳамда таъминотини такомиллаштириш. Ушбу мақсадга эришиш учун куйидаги вазифаларни бажариш зарур:

— фармацевтика бозоридаги назарий ва услубий муаммоларини адабиётлар асосида таҳлил қилиш;

— синусит касаллигида қўлланиладиган дори воситалари бозорини ўрганиш;

— синусит касаллигига учраган беморларнинг тиббий баённомасидан кўчирмалар олиш, дори воситалари истеъмолини ва ёндош касалликларни ўрганиш.

**Тадқиқот объекти ва предмети.** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент тиббиёт академиясининг Иккинчи клиникаси, “Саломатлик ва тиббиёт статистика институти, клиник кузатувлари, “Дори воситалари ва тиббий буюмларнинг жамланма прайс-варағи” чакана ва улгуржи дорихона муассасаларидаги дори препаратларини нарх-навоси.

**Тадқиқот услубияти ва услублари:** Дори препаратларининг киёсий таҳлили, фармакоиктисодий таҳлил қилиш, “харажатларни – минималлаштириш” таҳлили, “касаллик қиймати” таҳлили ва фикр мулохазалар олиш ҳамда статистика усуллари

**Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси.** – Синусит касаллигида қўлланиладиган дори воситаларининг савдо номлари бўйича гуруҳлари, касаллик тарихини ретроспектив таҳлил қилиш асосида дори воситаларининг номенклатураси, Республикаси бўйича синусит касаллигининг тарқалиши ўрганди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент тиббиёт академиясининг Тошкент тиббиёт академиясининг Иккинчи клиникасининг отолорингология бўлимларига синусит касаллигини даволашда қўлланиладиган нисбатан арзон дори воситалари гуруҳларини ва сарф-харажатларнинг энг минимал усулини тавсия этилди.

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва тадбиқи:** Соғлиқни сақлаш вазирлигининг отолорингология бўлимига синусит касаллигини даволашда қўлланиладиган дори воситаларининг арзон нархларда тавсия этиш йўллари кўрсатилди.


**Иш тузилиши ва таркиби:** Диссертация кириш, тўққизта параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, унинг ҳажми 91 бетни ташкил қилади. Диссертацияда тадқиқот мавзусига оид 80 та адабиётдан фойдаланилган.

**Бажарилган ишнинг асосий натижалари:** Сурункали синусит касаллигининг республика бўйича тарқалиши кенг қўлланилувчи цефтриаксон дори препаратлари истеъмоли ўрганилди. Ушбу натижалар асосида 1 та мақола ва 2 та тезис чоп этилди.

**Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси:** Синусит касаллигида қўлланиладиган дори воситаларининг таснифланиши, даволаш жараёнида фойдаланиши келтирилди. Синусит касаллигини тарқалиши кўрсаткичлари аниқланди. Маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган, синусит касаллигини даволашда кенг қўлланилувчи цефтриаксон дори препаратларини даволашда кам сарф-харажат қилиш кўрсатилди.

**Илмий раҳбар**

**Магистрант**

  
Н. Д. СУЛТОНОВ  
HM30  
of Faculty

The methodology and the methods of research:  
Comparative analysis of medical preparations; pharmacoeconomical analysis; analysis of minimal expense; analysis of "disease cost"; to get opinions and methods of statistics.

The scientific novelty level of research results: The trade name groups of medical preparations which are used in Sinusitis disease; analysis of medical preparations nomenclature according retrospective review of the disease; to study

**THE MINISTRY OF HEALTHCARE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**  
**THE TASHKENT PHARMACEUTICAL INSTITUTE**

Faculty: Pharmacy

Student of master degree: Abdullaeva

Факультет: Фармация

Dinara Fakhriddinovna

Chair: Organization of Pharmacy

Supervisor: N.D.Suyunov

work

Specialty: "Menegment" (Pharmacy)

Academic year: 2012-2014

**Annotation of master dissertation**

**Theme actuality:** Hitherto the problem of supplying medicinal preparations which is used in Sinusitis disease haven't been investigated. The main goal of our research to settle the problems of Pharmacoeconomic investigation of supplying medicinal preparations, which are used in Sinusitis disease, was based on it.

**The aim and the tasks of the research:** Pharmacoeconomical analyze of medicinal preparations in Sinusitis disease. To study the market of the medicinal preparations which are used in Sinusitis disease, the spread of the disease over areas, its usage and developing of providing. To achieve this aim it is necessary to accomplish the following tasks:

-To analyze theoretically and methodologically problems of Pharmaceutical market using literatures;

-To study the market of medicinal preparations which are used in Sinusitis disease;

-To copy medical notes of patients with Sinusitis disease;

- To study usage of medicinal preparations and close- related diseases.

**The object and the subject of the research:** The Ministry of Healthcare of the Republic of Uzbekistan The Tashkent Medical Academy's secondary clinic, The Institute of Health and Medical statistics, clinic's observers, "The price list of medical preparations and medical items" of retail and wholesale chemist's shop establishments.

**The methodology and the methods of research:**

Comparative analysis of medical preparations; pharmacoeconomical analysis; analysis of minimal expense; analysis of "disease cost"; to get opinions and methods of statistics.

**The scientific novelty level of research results:** The trade name groups of medical preparations which are used in Sinusitis disease; analysis of medical preparations nomenclature according retrospective review of the disease; to study



## М У Н Д А Р И Ж А

К И Р И И Ш .....	9
Фармакокинетикодий тўқинотларнинг назарий муаммолари синусит касаллиги ва унда қўлланиладиган дори воситаларининг истеъмолни тахлили, алабийёлар шариhi .....	13
Синусит касаллигининг этиологияси, паталогия ва таснифи .....	13
Синусит касаллигида қўлланиладиган дори воситалари таснифи .....	19
Фармакокинетикодий назарияларининг асоси ва усуллари таҳлил .....	27
Дори воситаларининг истеъмолни паркиншо паражаси таҳлили ..	34
I – боб буйича хулоса .....	46
II Б О Б: Сурункали фарингит, палларфарингит, синусит, ринит касаликларининг хулудлар буйича тарқалishi ва унда қўлланиладиган дори воситалари таҳлили .....	47
Биринчи марта тавшис қўйилган сурункали фарингит, палларфарингит, синусит, ринит касалликлариининг асосий кўрсаткичларини хулудлар буйича таҳлилани таҳлили .....	47
Синусит касаллигида қўлланиладиган дори воситаларининг истеъмолни таҳлил қилини .....	53
Синтетик антибактериал дори воситаларининг бозорини ўрганини .....	61
II – боб буйича хулоса .....	65
Синусит касаллигида қўлланиладиган антибиотик дори препаратининг истеъмолни фармакокинетикодий таҳлил қилини ..	67
Синусит .....	67
<b>Муаллиф магистр академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация ишини бажаришда яқиндан ёрдам берган, Фармацевтика ишини ташқил қилиш кафедраси катта ўқитувчиси, фармацевтика фанлари номзди Икрамова Гўзал Махамаджановнага чуқур миннадорчилигини билдиради</b>	
III – боб буйича хулоса .....	76
Хулоса .....	77
Алабийёлар руйўати .....	80
Илловлар .....	93

## МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	9
I Фармакоиктисодий тадқиқотларнинг назарий муаммолари. боб. синусит касаллиги ва унда қўлланиладиган дори воситаларининг истеъмоли таҳлили. адабиётлар шарҳи.....	13
1. Синусит касаллигининг этиологияси, паталогия ва таснифи.....	13
2. Синусит касаллигида қўлланиладиган дори воситалари таснифи.....	19
3. Фармакоиктисодий изланишларнинг асоси ва усуллари таҳлил.....	27
4. Дори воситаларининг истеъмолида нарх-наво даражаси таҳлили....	34
I – боб бўйича хулоса.....	46
II БОБ. Сурункали фарингит, назафарингит, синусит, ринит боб касалликларининг ҳудудлар бўйича тарқалиши ва унда қўлланиладиган дори воситалари таҳлили.....	47
1. Биринчи марта ташхис қўйилган сурункали фарингит, назафарингит, синусит, ринит касалликларининг абсолют кўрсаткичларини ҳудудлар бўйича тарқалиши таҳлили.....	47
2. Синусит касаллигида қўлланиладиган дори воситаларининг истеъмолини таҳлил қилиш.....	55
3. Синтетик антибактериал дори воситаларининг бозорини ўрганиш.....	63
II – боб бўйича хулоса.....	65
III Синусит касаллигида қўлланиладиган антибиотик дори боб. препаратининг истеъмолини фармакоиктисодий таҳлили қилиш....	67
1. Синусит касаллигида қўлланиладиган “Цефтриаксон” дори препаратининг нарх-новаларини қиёсий таҳлили.....	67
2. Стационар шароитда риносинусит касаллигини даволаш учун қилинадиган сарф-харажатлар.....	74
III – боб бўйича хулоса.....	78
Хулоса.....	77
Адабиётлар рўйхати.....	80
Иловалар.....	93

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Сўнгги йилларда халқимизнинг турмуш шароити ва тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш мақсадида ҳукуратимиз томонидан бир-қатор чор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги: «Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш» маърузасида таъкидлаб ўтганидек, «Давлат жами харажатларининг асосий қисми, яъни қарийб 59,2 фоизи ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширишга қаратилди, унинг 34 фоиздан ортиғи таълим, 14,5 фоиздан кўпроғи соғлиқни сақлаш соҳаларини молиялаштиришга йўналтирилди».

Бирок, соғлиқни сақлаш тизимида энг долзарб муаммолардан бири бу сурункали касалликларни даволаш ва дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни такомиллаштириш ҳисобланади. Бу касалликлар орасидан нафас олиш аъзолари касалликлари ичида синусит кенг тарқалган касалликлар қаторига киради. Сурункали синусит, сурункали касалликлар орасида тарқалиши бўйича биринчи ўринда туради (146/1000 аҳолига). Аҳоли орасида ўртача 5–15% катталар, 5 % болалар ушбу касалликнинг у ёки бу шакли билан азият чекади.

Аҳоли орасида синусит касаллиги ортиб бориши билан унда қўлланиладиган дори воситаларига талаб ҳам ошиб боради. Шу кунгача, аҳоли ва даволаш-профилактика муассасаларининг синусит касаллигида қўлланиладиган дори воситалари билан таъминлашни такомиллаштириш ва фармакоиқтисодий таҳлил қилиш борасида ишланишлар олиб борилмаган.

Ҳозирги кунгача, аҳоли ва даволаш-профилактика муассасаларини дори воситалари билан таъминлашни такомиллаштириш борасида профессор Э.Р. Тошмухамедов раҳбарлиги ва илмий маслаҳати билан А.Н. Юнусхўжаев, Х.С. Зайнутдиновлар ўқувчилари билан биргаликда илмий изланишлар олиб борган.

Келтирилган муаммоларни бартараф этиш мақсадида ўз олдимизга тиббиётда сарф-харажатлари юқори бўлган касалликлардан ҳисобланган синусит касаллигини дори воситалари билан таъминлашда аҳоли ва даволаш-профилактика муассасаларини маблағидан максимал фойдаланиш ва беморларга дори препаратларининг арзон ва самарали гуруҳларини тавсия этишни олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

**Тадқиқот объекти ва предмети.** Тадқиқот объекти сифатида Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент тиббиёт академиясининг Иккинчи клиникаси, “Саломатлик ва тиббиёт статистика институти, клиник кузатувлари, „Дори воситалари ва тиббий буюмларнинг жамланма прайс-варағи” чакана ва улгуржи дорихона муассасаларидаги дори препаратларини нарх-навоси.

Тадқиқот предмети, фармацевтика бозоридаги синусит касаллигида қўлланиладиган дори препаратлари таъминотини шакллантириш, ривожлантириш, оптималлаштириш ва мувофиқлаштириш жараёнларига фармакоиктисодий ёндашув ҳисобланади.

#### **Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари:**

Синусит касаллигини тарқалиши ва унда қўлланиладиган дори препаратларни фармакоиктисодий таҳлил қилиш. Синусит касаллигида қўлланиладиган дори препаратлар нархини қиёсий ўрганиш, нисбатан арзон генерикларини аниқлаш.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни бажариш зарур:

дори воситалари билан таъминлашга оид фармакоиктисодий ёндашув бўйича маҳаллий ва хорижий адабиётларни ўрганиш;

– 2007–2012 йилларда сурункали фарингит, назафарингит, синусит, ринит касалликларининг абсолют кўрсаткичларини Республика ҳудудлари бўйича тарқалишини таҳлили қилиш;

– ҳозирги кунда синусит касаллигини даволашда қўлланиладиган дори препаратларини гуруҳларини аниқлаш;

– фармацевтика бозоридаги синусит касаллигида қўлланиладиган дори препаратларини нархларини қиёсий ўрганиш;

– 2007–2012 йилларда синусит касаллигини Республика ҳудудлари бўйича тарқалишини таҳлили қилиш;

– республикамиздаги синусит касаллигини даволашда етакчи даволаш-профилактика муассасаларидаги беморларнинг касаллик тарихидан кўчирмалар олиш ва уларни таҳлил қилиш;

– “харажатларни – минималлаштириш” таҳлили, “касаллик қиймати” таҳлили усулларида фойдаланиб самарали дори препаратлари гуруҳини аниқлаш;

– даволаш-профилактика муассасалари маблағларидан максимал даражада фойдаланиш учун тавсиялар бериш.

**Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари.** Илмий изланишларда синусит касаллигида қўлланиладиган дори воситалари истеъмолини такомиллаштириш масалалари никлаб бериш кўзда тутилган.

**Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили.** Фармакоиктисодий ва нарх-наво, синусит касаллигини даволашда қўлланиладиган дори воситаларини истеъмоли ҳақида маълумотлар келтирилиб фармакоиктисодий тадқиқотларини назарий муаммолари ёритилган.

**Тадқиқот услубияти ва услублари:** Тадқиқотимиз давомида синусит касаллигида қўлланиладиган дори препаратларининг қиёсий таҳлили, фармакоиктисодий таҳлил қилиш, “харажатларни – минималлаштириш” таҳлили, “касаллик қиймати” таҳлили ва фикр мулоҳазалар олиш ҳамда статистика усуллари. Дори препаратларининг қиёсий таҳлили қилиш ва

фикр мулоҳазалар олиш ҳамда статистика усуллари. Дори препаратларининг қиёсий таҳлили, фармакоиктисодий таҳлил қилиш, “харажатларни – минималлаштириш” таҳлили, “касаллик қиймати” таҳлили ва фикр мулоҳазалар олиш ҳамда статистика усуллари.

**Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси.** Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент тиббиёт академиясининг Иккинчи клиникасига, отолорингология бўлимларига синусит касаллигини даволашда қўлланиладиган нисбатан арзон дори воситалари гуруҳларини ва сарф-харажатларнинг энг минимал усули келтирилди.

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва тадбиқи.** Тошкент тиббиёт академиясининг Иккинчи клиникасининг отолорингология бўлимларига синусит касаллигини даволашда қўлланиладиган нисбатан арзон дори воситалари гуруҳларини ва сарф-харажатларнинг энг минимал усули аниқлаб берилди.

**Иш тузилиши ва таркиби.** Магистрлик диссертация иш 88 бетдан иборат компьютер матнида баён этилган. Унда кириш, адабиётлар шарҳи, тажриба қисми, хулосалар мавжуд. 16 та жадвал ва 3 та расм берилган, иловада бирламчи манбалар ва расмий ҳужжатлар келтирилган. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 92та манбани ўз ичига олган.

**Бажарилган ишнинг асосий натижалари.** Синусит касаллигини таркалиши, таснифи ва унда қўлланиладиган маҳаллий дори препаратларини фармакоиктисодий жиҳатдан қулайлиги ўрганилди. Ушбу натижалар асосида 1 та мақола ва 2 та тезис чоп этилди.

**Ишнинг муҳокамаси.** Диссертация ишининг асосий мазмуни Профессор Маннон Азизович Азизов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган Талабалар илмий жамиятининг анъанавий 70-илмий анжуманининг дастурида, 2013 йил, 24–25 май, Тошкент фармацевтика институти Фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедрасининг мажлисида, (2014 йил, 12 май, 19 -сонли баённома) ва Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини

берувчи 16. 07. 2013. Faq.21.01 рақамли илмий кенгаш қошидаги 15. 00. 01. – “Дори технологияси ва фармацевтика ишларини ташкил этиш”, 15. 00. 02. – “Фармацевтик кимё ва фармакогнозия” ихтисослиги бўйича Илмий семинарда (2014 йил, 13 май, 1 -сонли баённома)да муҳокама қилинди.

## МУАММОЛАРИ, СИНОСУТ КАСАЛЛИГИ ВА УНДА ҚУЛЛАНИЛАДИГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ ИСТЕЪМОЛИ ТАҲВИЛИ

### 1. СИНУСУТ КАСАЛЛИГИНИНГ ЭТИОЛОГИЯСИ, ПАТОЛОГИИ ВА ТАСНИФИ

Инсон организмиде бурун ёки оғиз бўшдақларининг қанчаллиқда инфекцияларнинг тарқалган касалликлариде бевари. Сабаби дуаё инфекциянинг катти ёндоқлариде 5 дан 15% гача синуситнинг турли шаклларида де шунг чекарда. Уткир синусит ҳар йили АҚШ аҳолисининг 10% гача ташхалланади. Европада эса уткир синуситнинг халиб чидил ёндоқлариде йилига 1,5% га стали. Россияда тадқиқотчиларнинг тадқиқотларига қараганда ҳар йили 10 млн кишида бу касаллик учрайди. Синусит туфайли касаллиқда ёндоқлариде беморлар ихтисослаштирилган клиникаларда беморлар умумий сонидан тахминан 2/3 ини ташхал қилиди [28].

Уткир синусит Ут касалда ва алаёт, изу аламлардан антибактериал препаратлардан ва тахминан катти тарқалган касалликлариде бевари.

Уткир синуситлариде энг кун учраган кундақлариде *Streptococcus pneumoniae* ва *Haemophilus influenzae* ҳисобланади. *Staphylococcus pyogenes*, *Moraxella catarrhalis*, *Staphylococcus aureus* ва *Neisseria meningitidis* «нфатиде» каттироқ шаклда бўлиши мумкин.

Каттироқ тарқалган микроблариде тахминан ҳар йилида бактерия ва вируслариде тахминан 433 илмий ахборотлариде алаёт, тахминан тахминан тахминан [74].

# АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

## Г БОБ.

### ФАРМАКОИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ МУАММОЛАРИ. СИНУСИТ КАСАЛЛИГИ ВА УНДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ ИСТЕЪМОЛИ ТАҲЛИЛИ

#### 1. Синусит касаллигининг этиологияси, паталогия ва таснифи

Инсон организмида бурун ёндош бўшлиқларининг яллиғланиш касалликлари кенг тарқалган касалликлардан бирidir. Сабаби дунё аҳолисининг катта ёшдагилари 5 дан 15% гача синуситнинг турли шаклларида азият чекмоқда. Ўткир синусит ҳар йили АҚШ аҳолисининг 14% ида ташхисланади. Европада эса ўткир синуситнинг келиб чиқиш частотаси йилига 1,5% га етади. Россиялик тадқиқотчиларнинг маълумотларига қараганда ҳар йили 10 млн кишида бу касаллик учрайди. Синусит туфайли касалхонага ётқизилган беморлар ихтисослаштирилган бўлимлардаги беморлар умумий сонининг тахминан 2/3 ини ташкил қилади [28].

Ўткир синусит ўз вақтида ва адекват, шу жумладан антибактериал фармакотерапияни тақозо қилувчи кенг тарқалган касалликлардан бирidir.

Ўткир риносинуситларнинг энг кўп учровчи кўзгатувчилари *Streptococcus pneumoniae* ва *Haemophilus influenzae* ҳисобланади. *Streptococcus pyogenes*, *Moraxella catarrhalis*, *Staphylococcus aureus* ва анаэроблар кўзгатувчи сифатида камроқ намоён бўлиши мумкин.

Олиб борилган микробиологик текширувлар жараёнида бактерия ва микроскопик замбуруғларнинг 433 штамлари ажратиб олиниб, идентификацияланган [74].

Сўнгги вақтларда пенициллинга резистент пневмококklar муаммоси фаол мунозараларга сабаб бўлаётир. Бу микроорганизмларнинг пенициллинларга, айниқса макролидларга резистентлик частотаси ошиб бораётганлиги қайд этилиб, турли мамлакатларда 10 дан 80% гача тебраниб турибди. Сезгир бўлмаган пневмококklarга нисбатан фаоллигини сақлаб турувчи воситалар сифатида III ва IV авлод цефалоспоринлари, энг янги фторхинолонлар ва ванкомицин кўрсатилмоқда.

Гемофил таёқчаси ингибитор-химояланган пенициллинлар, азалидлар, сўнгги авлод цефалоспоринлари, айрим макролидлар ва фторхинолонларга сезгирдир. У бензилпенициллинга сезгир эмас, ампициллин ва амоксициллин мазкур микроорганизмлар томонидан ишлаб чиқарилувчи бета-лактамаза таъсирида фаоллигини йўқотади.

Стафилококка қарши антибиотикнинг эталони шубҳасиз ванкомициндир, у фақат касалхона шаронтида стафилококк этиологияли синуситнинг асоратли, генерализацияланган шаклларида, кўзгатувчининг метициллинга резистент шакллари аниқланганда қўлланилади. Стафилококкли инфекция хавфи ўтказилган гриппдан кейин, кекса ёшдаги беморларда, шунингдек гиёҳвандларда ошади.

Бактериологик текширувлар билан тасдиқланган анаэроб флорада перорал воситалардан амоксициллин, клавуланат, сўнгги авлод фторхинолонлари антианаэроб фаолликка эга.

Маълумки, хламидийли ва микоплазмали пневмонияга учраган беморларда риносинусит, фарингит, ларингит каби юқори нафас йўллари зарарланиш белгилари кузатилади. Риносинусит кўпинча хламидий пневмонияли пациентларда учрайди. У, йўтал каби, одатда, касалликнинг биринчи кунидан бошлабоқ пайдо бўлади ва беморларнинг аксариятида бурун битиши ва бурундан нафас олишнинг издан чиқиши билан ифодаланади. Пациентларнинг бир қисмида оз микдорда ёки ўртамиёна шиллик-сероз ёки шиллик-йирингли ажратмалар кузатилади [45].

Сурункали йирингли синусит кўпгина хасталиклар, хусусан миокардитнинг қайталанишлар ва асоратлар билан кечишига туртки беради. Шамуратова Г.Я. ва Розиходжаева Г.А тадқиқотларида (2011) ревматик кардит замирида кечувчи сурункали йирингли синуситда тизимли ва тўқима гипоксияси анча кучли ифодаланганлиги кузатилиб, булар қон плазмасида ва бурун ҳамда бурун ёндош бўшлиқларидан олинган ювиндида эркин радикал оксидланиш маҳсулотларини ошиши, антиоксидант ҳимоя ферментлари фаоллигининг бўғилиши билан намоён бўлувчи жараёнларининг жадаллашувига олиб келган. Анъанавий, тизимли антибактериал, гипосенсибилизацияловчи терапия, бурун шиллик пардасини анемизациялаш, бурун ёндош бўшлиқларини маҳаллий санация қилиш даволашда кўрсаткичларининг яхшиланиши қайд этилади, бунинг замирида антиоксидант препарат 1,5% ли реамбериннинг қўлланиши мазкур кўрсаткичларнинг плазмада ҳам, бурун ювиндисида ҳам меъёрлашувига ёрдам беради. Натижада бурун бўшлиғи шиллик пардасининг функционал ҳолати ва миокард фаолияти яхшиланади.

Риносинусит кенг тарқалган касаллик бўлгани боис, у жамиятга сезиларли молиявий зиён келтиради, чунки беморларнинг аксарияти 18 ва 55 ёшга, яъни аҳолининг энг фаол ва ишга лаёқатли қатламига тўғри келади.

Ҳозирги вақтда, йирингли синуситларни ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштирилишига қарамай, уларни тарқалиш даражаси камаймаётир. Боз устига, бурун ёндош бўшлиқларининг яллиғланиш патологиялари ўсмоқда, унинг қайталовчи ва сурункали шаклларининг сони ошиб бормоқда[52].

Болаларда риносинусит стационарда ҳам, амбулатория амалиётида ҳам устунлик қилувчи патологиядир. Болаларда бурун ва ёндош бўшлиқларининг мазкур патологиясининг тарқалиш частотаси нафас йўллари юқори қисмидаги барча касалликлар орасида 28-30% ни ташкил этади. Чунончи, болаларнинг 50% и улғайгач, сурункали риносинуситнинг

сурункали шаклига эга бўладилар. Болаларда риносинусит кўпинча ниҳоятда жиддий бўлган орбитал 10-22% ва калла ичи асоратларига 1,4-2,1% сабабчи бўлиши мумкин.

Ҳар йили болаларнинг ҳар бири 6-8 марта ўткир респиратор вирусли инфекция билан касалланади, касаллик эса 5-13% ҳолларда болаларда риносинусит билан асоратланади.

Вирусли инфекция бактериал синуситнинг энг кўп учровчи ва аҳамиятга молик бўлган сабабларидан ҳисобланади. Унга аллергия, иммунитет тизимидаги нуқсонлар, муковисцидоз, ҳаракатсиз киприклар синдроми, эндокрин тизим касалликлари олиб келиши мумкин. Бурун ёндош бўшлиқларида яллиғланиш жараёнини ривожланишида, мукоцилиар транспорт бузилишларидан ташқари, маҳаллий туртки берувчи омиллар: бурун тўсиғининг қийшиқлиги, бурун чиганоғи, галвирсимон пуфак, ютқин муртагининг гипертрофияси муҳим аҳамият касб этади [24].

Полипоз риносинусит бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари шиллик пардасининг сурункали яллиғланиш касаллиги бўлиб, асосан шиш тўқимасидан таркиб топган полипларнинг пайдо бўлиши ва ўсиши билан тавсифланади. Полипоз риносинусит кўпинча нафас йўллари умумий патологиясининг аломатларидан бири бўлиб, унинг патогенези бронхиал астма патогенези билан чамбарчас боғлангандир. Тилларанг стафилококк энтеротоксини полипларнинг жадал равишда ўстирувчи ҳамда бронхиал астма симптомларининг ривожланишини рағбатловчи суперантиген вазифасини бажариши мумкин.

Касаллик этиологиясида ва хужайра элементларининг пролиферацияси билан боғлиқ қайталанишларнинг келиб чиқишида турли вирусларга катта эътибор қаратилаётир. Бурун бўшлиғида жуда кўп миқдорларда вируслар аденовируслар, респиратор-синтициал вируслар, грипп ва парагрипп вируслари, риновируслар, учуқ вируслари, папилломавируслар персистенцияланади. Вирусларнинг нафас йўллари

хужайралари ичига кириши оқибатида хужайрада оксил алмашинуви бузилади, митохондрийлар, эндоплазматик тўр ва рибосомалар дисплазияси ва деструкцияси рўй беради. Хужайранинг специфик функцияси тўхтаб, унинг некрозига олиб келувчи оксил дистрофияси содир бўлади.

Қатор муаллифлар Полипоз риносинусита эозинофилли эллигланишнинг мавжудлигини сурункали микоз инфекцияси билан боғлайдилар. Адабиёт маълумотларига қараганда, аллергик замбуругли синусит сурункали синусит БА билан қўшилиб келган беморларнинг 6-7% га аникланган бўлиб, бу беморлар оператив давога муҳтож бўлганлар (Kawalaki M, 1999). Мазкур пациентларнинг деярли барчасида ёндош бўшлиқлар полиплари бўлган.

Шуларни назарда тутиб, муаллифлар атопияли ва полипоз синуситли анъанавий терапияга сезгир бўлмаган ҳар бир бемор аллергик замбуругли синуситга текширилмоғи лозим эканлигини, чунки уй чанги таркибида *Penicillium*, *Aspergillus*, *Cladosporium*, *Alternaria*, *Mucor*, *Fusarium* турига оид замбуруғлар мавжуд бўлишини таъкидлайдилар. Шундай қилиб, полипоз риносинуситнинг этиологияси ва патогенезига инфекциянинг кўрсатадиган таъсири амалий соғлиқни сақлаш соҳаси учун қимматли бўлиб, полипоз риносинусит полипоз риносинусит билан бронхиал астма қўшилиб келган беморларда бактериал, вирусли, замбуруғли, хужайра ички инфекцияларини мутаносиб тарзда ўз вақтида даволаш зарурлигини асослаб беради [21].

Ўткир риносинуситни даволашнинг асосий мақсади қуйидагилардир:

- кўзгатувчи эрадикацияси;
- синус стериллигини тиклаш ва шиллиқ парда ҳолатини меъёрига келтириш;
- асоратлар келиб чиқишининг олдини олиш;
- касаллик муддатини қисқартириш.

Ушбу касалликда интраназал стероидлар қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги, кортикостероид препаратларга хос бўлган ножўя таъсирлар келиб чиқишини ҳисобга олган ҳолда, узоқ вақтлар давомида инкор қилиниб келинган. Аммо қатор назорат тадқиқотларида исботланишича, топик кортикостероидлар монотерапия сифатида ҳам (РС енгил шаклларида), антибиотиклар ёрдамида тизимли даволашда адъюват восита сифатида ҳам муваффақиятли қўлланиши мумкин. Адабиётларда хорижлик тадқиқотчилар томонидан олиб борилган изланишлар ҳақида маълумотлар мавжуд бўлиб, буларда ўткир риносинуситда айнан монотерапиянинг, хусусан мометазон фуроат, назонекс ёрдамида ўтказилиши, самарали эканлиги исботланган.

Россия федерациясида антибиотик ҳамда топик кортикостероиднинг биргаликда қўлланилиб ўтказилувчи комбинацияланган терапия ўткир риносинуситни даволаш стандартларига киритилган.

Глюкокортикостероидлар бурун шиллик пардасидаги яллиғланиш жадаллигини, оқибатда, синуслар тешиклари соҳасидаги шишни камайтиради, яъни синуситлар патогенезининг муҳим бўғинига таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, кортикостероидлар ўткир риносинусит патогенетик терапиясининг муҳим омили ҳисобланган томир ўзанидан суюқлик чиқишини ҳамда шиллик ишлаб чиқарилишини бўғади, мукоцилиар функцияни меъёрга солади.

Беморларда клиник манзарасида бурундан йирингли ёки шиллик, йирингли ажратмалар келиши, бурундан нафас олишнинг кийинлиги, тана ҳароратининг фебрил кўрсаткичларгача ошиши, йўтал кузатилган. Пальпация ва перкуссияда юқори жағ бўшлигининг олд девори соҳасида сезувчанликнинг ошиши ва оғриқ қайд этилган.

Олд риноскопияда, шиллик пардадаги гиперемия ва шиш билан бир қаторда, ўрта бурун йўли соҳасида йирингли ёки шиллик-йирингли ажратмалар, орофарингоскопияда – ҳалқум орқа девори орқали оқиб тушувчи эркин экссудат аниқланган.

ИНС Назонексни суткасига 400 мкг дан 14 кун давомида антибиотик билан биргаликда қўлланганда ўткир РС симптомларининг назорат фақат антибиотик қўлланган гуруҳидагига нисбатан ҳаққоний яхшиланганлиги, беморнинг тезда энгил тортиши, пациентлар ҳаёт сифатининг яхшилиниши қайд этилади. Бунда бактериал риносинуситли пациентларни даволаш муддатлари камайиб, шифохонада ётиш муддатлари 3,1 ётоқ-кунга қисқаришига эришилган [24].

Бирок, кортикостероидларнинг қўлланиши қатор ўта жиддий чекловларга эга. Чунончи, уларнинг қўлланиши ошқозон-ичак тракти, ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги, шунингдек эндокрин касалликлари қандли диабет бўлган беморларда қўллаш ҳамда углеводларга толерантликни бузилишларида ман этилади. Бундан ташқари, КС яллиғланиш реакциясини пасайтиргани ҳолда айни вақтда респиратор тракт ва бутун организмнинг бактериал, вирусли, замбуруғли инфекцияларга резистентлигини пасайтиради [9].

2010 йилда Д.Ф.Шамсиев томонидан, бурун ёндош бўшлиқлари яллиғланиш касалликларининг сурункали шаклига учраган беморларда изсурутмалар олиш услуби ёрдамида бурун бўшлигидан шиллик парда цитограммасини қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги кўрсатилган. Назоцитограммаларда аниқланган хужайра таркибининг миқдорий ва морфологик ўзгаришлари касалликнинг ифодаланганлик даражасини ифодалайди ва организмнинг иммунологик ҳимоя ҳолати ҳақида билвосита фикр юритишга имкон беради. Бу эса сурункали риносинуситли беморларда ташхис алгоритмини ва даволаш чораларини тўғри ишлаб чиқиш ёки индивидуал коррекциялашга замин яратади [72].

## 2. Синусит касаллигида қўлланиладиган дори воситалари таснифи

Ҳозирги вақтда яллиғланишга қарши, шишга қарши, оғриққа қарши таъсирга эга, беморлар томонидан яхши қабул қилинувчи ва хавфсизлик даражаси юқори бўлган янги юқори самарали дори воситаларини излаш давом эттирилмоқда. Шундай дори препаратлардан бири серратиопептидазадир. Бу иммунбиологик фаол фермент бўлиб, альтерацияга учраган тўқималарнинг деструкция ва элиминацияланиш жараёнларини назорат қилади. Дори препаратларида нопатоген ичак бактерияси *Serratia E15* дан ажратиб олинган серратиопептидаза қўлланилади. У фибринолитик, яллиғланишга қарши ва шишга қарши таъсирларга эга. Анальгетик таъсири яллиғланган тўқималардан оғриқ аминларининг ажралиб чиқиш жараёнини тўхтатиш натижасида амалга оширилади. Брадикинин, гистамин ва серотонинни гидролизлаш оқибатида серратиопептидаза капиллярлар дилатациясини камайтиради ва уларнинг ўтувчанлигини назорат қилади, шунингдек плазминнинг ингибиторларини тўхтатиш ҳисобига унинг фибринолитик фаоллигини кучайтиради.

Мајима ва ҳаммуаллифлар серратиопептидаза суткасига 30 мг дан 4 ҳафта мобайнида перорал қўлланганда, бурундаги шилликнинг реологик хусусиятлари ўзгаришини, хусусан унинг динамик шилимшиклиги камайганлигини тасдиқлайдилар. Mazzone ва ҳаммуаллифлар эса бурун, томоқ ва кулоқ яллиғланиш касалликларига учраган 193 нафар беморда ўтказилган кўп марказли иккиланган плацебо-назорат текширувларида серратиопептидазанинг самарадорлигини кўрсатиб берганлар.

Клиник изланишларда яллиғланиш хасталикларига дучор бўлган беморларни даволаш самарадорлигининг ошганлиги тасдиқланган. Протеолитик ферментлар томонидан антибиотиклар таъсирининг потенциаланиши яллиғланиш жараёнининг ўзини ҳам, антибактериал

терапиянинг ҳам асоратланиш эҳтимоллигини камайтиришга имкон беради. Серрата дори препаратини ўткир ва сурункали синуситнинг кайталанишларида тайинлаш даволаш самарадорлигини ошириш билан бирга беморлар томонидан яхши қабул қилинади. [33].

Яқин-яқингача сурункали полипоз риносинуситни даволашда полипларни фақат жаррохлик йўли билан олиб ташлаш умум қабул қилинган усул ҳисобланар эди. Ҳозирга келиб эса сурункали полипоз риносинуситни аввал-бошда жаррохлик касаллиги эмас, балки дори билан даволашни талаб қилувчи хасталик деб қаралмоқда. Дори билан консерватив даволаш бурун бўшлиғи шиллиқ пардасида сурункали персистенцияловчи иммун эозинофилли яллиғланишни шаклланишига ва охибатда полипларнинг пайдо бўлишига олиб келувчи патогенетик механизмларга асосланмоғи лозим. Бурун полипларига оид IV Халқаро консенсус конференциясининг (Москва, 2006) материалларига кўра полипоз риносинусит фармакотерапияси қуйидаги гуруҳ дори препаратларини ўз ичига олади:

- Глюкокортикостероидлар, тизимли ва топик. Танлов дори препаратлари бўлиб назонекс (мометазон фууроат, Шеринг) ва фликсоназе (флутиказон пропионат, Глаксо) ҳисобланади. Топик кортикостероидлар (ТКС) беморларни даволашда узок муддат (3-6 ой) ёки қайта-қайта, схема бўйича 1,5-3 ойдан йилига 2-3 марта қўллаш тавсия этилади. Хорижда анча узайтирилган схемалар, 6-12 ойгача қўлланилади; антибактериал. Тизимли антибактериал терапияни узайтирилган курслар (12-16 ҳафта) билан кичик дозали макролидлар ёрдамида ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги ўтироф этилган. Макролид гуруҳига оид препаратлар, кларитромицин, азитромицин, спирамицин ва бошқалар респиратор трактнинг етакчи патогенларига таъсир кўрсатишдан ташқари яллиғланишга қарши таъсир кўрсатади, иммунмодуловчи хусусиятга эга бўлиб, шиллиқ пардадаги бактериал биопленкаларни парчалайди. А.Ю.Овчинников ва муаллифларнинг фикрича, клиник амалиётда бундай “янги”

макролидларнинг қўлланиши риносинуситларни, айниқса йирингли гайморитни пункция қилиб, тешиб даволаш усулига муқобил бўла олиши мумкин ва бундан ташқари, микрофлоранинг бошқа антибиотикларга нисбатан резистентлиги аниқланганида ҳамда бета-лактамлارни индивидуал қабул қила олмаслик мавжуд бўлганида мақсадга мувофиқ келади.

Кларитромициннинг янги шакли Фромилид Уно юқори нафас йўллари ўткир инфекцияларини даволашда самаралидир, чунки бу дори препарати мақбул антибактериал фаоллик спектрига эга бўлиб, қулай дозаланеди, суткасига 1 мартаба, клиник самарадорлик тезда ривожланади ва хавфсизлиги профили юқоридир. Фромилид Уно биринчи қабул қилингандан сўнг дастлабки 2-4 соатдан ўтиб оқ инфекциянинг тарқалиш жараёнини тўхтатади, бу кларитромицин молекулаларининг моноцит хужайралари томонидан тезда ушлаб олиниши ва кейинчалик бактерияларни нобуд қилувчи моноцитлар медиаторларини фаоллашуви билан боғлиқ. Бундан ташқари дори препарати барча макролидлар учун хос бўлган иммунмодуловчи самара бериб, ичак микрофлорасига сезиларли таъсир кўрсатмайди [44].

Антибиотик - тизимли ва маҳаллий. Маҳаллий даво учун танлов дори препарати бўлиб амфотерицин-В ингалиция шаклида, тизимли терапия учун интраконазол хизмат қилади. Тадқиқотчиларнинг кузатувларига қараганда, замбуруғларга қарши терапия узоқ муддат (2-3 ой) ва қайта курслар шаклида ўтказилиши мақсадга мувофиқ бўлади;

- антилейкотриенли. Лейкотриенларнинг антагонисти бўлган бу препаратларга зафирлукаст, аколлат, монтилукаст, сингулар киради;

- фуросемид маҳаллий ингалициялар шаклида;

- антицитокинли анти-ИЛ-5 ва бошқ.

Демак, бурун полипларининг патогенетик терапияси қуйидаги қондаларга асосланади:

1. Полиплар сурункали инфекцияга тобе риносинусит оқибатидир.

2. Полиплар келиб чиқишининг негизини бурун бўшлигининг персистенцияловчи иммун эозинофил яллиғланиши ва ремоделлашувини ташкил этади.

3. Жараён иккиламчи тизимли ва мукозал иммунтанқислик шаклидаги иммун гомеостаз бузилиши замирида ривожланади.

Хусусан, мукозал иммунтанқисликнинг аломатларидан бири авж олувчи респиратор вирусли инфекциялар, йилига 4-5 марта бўлиб, булар СПРнинг қайталаниши билан бирга иммунпатологик таъсир ҳамда персистенцияловчи иммун яллиғланишнинг оғирлашувига олиб келади.

Иммун препаратларни танлаш полипларнинг тарқалиш босқичи, клиник аломатлари ва иммунмодуляторнинг таъсир қилиш механизмига боғлиқ. Маҳаллий (ИРС-19) ва тизимли таъсирга эга бактериал иммунмодуляторларнинг, бронхомунал СПР 1-2 босқичидаги беморларни комплекс даволашда қўлланилиши ўткир респиратор вирусли инфекциялар частотасини камайтиришга, асосий касалликнинг кечишини назорат қилишни яхшилашга имкон беради. Дори препаратлари куз-қиш мавсумларида профилактик дозаларда: ИРС-19 кунига 2 маҳал 1 ойда 2 hafta мобайнида – ҳаммаси бўлиб 3 курс; бронхомунал ИРС-19 нинг 1-курсидан кейин 10 кун давомида 1 курс буюрилади.

Кўпинча бактериал синусит соғлом одамда респиратор вирусли инфекция замирида келиб чиқади ва бу касаллик амбулатория шароитида даволанади. Миқдори жиҳатидан асосий ҳисобланган мазкур синуситлар гуруҳини касалхонадан ташқари синуситлар деб аталади. Бундан ташқари госпитал, одонтоген ҳамда иммунтанқис ҳолатидаги беморларда ривожланувчи синуситлар ҳам мавжуд [44].

Шаклланиб бўлган ПРда анча кенг таъсирга эга иммунмодуляторларни қўлланиши тавсия этилади. Бугунги кунда полиоксидоний ва имунофанни танлов дори препаратлари деб ҳисоблаш мумкин. Полиоксидоний янги авлодга мансуб синтетик иммунмодулятор дори препарати бўлиб, сувда эрувчи юқори молекуляр бирикмаларнинг

янги синфига тааллуқлидир. Дори препарати иммунмодуловчи, антиоксидант, детоксикацияловчи ва мембранастабилловчи кенг спектрдаги фармакологик таъсирларни организмга кўрсата олиш хусусиятига эга. Таъсир механизидан келиб чиққан ҳолда полиоксидоний полипоз риносинусит қайталайдиган вақтларда, ҳамда кузда режали даволаш мақсадида мушак ичига кунора 6 мг дан – 1 курс учун 10 тагача инъекция шаклида буюрилади.

Синтетик иммунмодулятор Имунофан гексопептид бўлиб, унинг таъсири табақама-табақа намоён бўлади. Илк фазасида, дастлабки 2-3 сутка, имунофан ЛПУни меъерига солади, хужайра қобигидаги фосфолипидлар парчаланишини ва арахидон кислотаси синтезини бўғади, бунинг эвазига яллиғланиш медиаторлари бўлмиш лейкотриенлар ва простагландинлар ишлаб чиқарилиши пасаяди. 2-3 суткадан сўнг фагоцитоз кучаяди, вирусга қарши ва антибактериал таъсири фаоллашади. 7-10 суткадан бошлаб ва 4 ой мобайнида гуморал ва хужайра иммунитетининг издан чиққан кўрсаткичлари тикланади. полипоз риносинуситда 0,05% ли имунофан эритмасини ҳар куни ёки кунора 1 мл дан мушак ичига, 1 курс учун 10 та инъекция буюрилади. Шунингдек имунофанни операциядан олдинги даврда глюкокортикостероидлар билан биргаликда маҳаллий, шиллиқ пардага инъекция қилиш билан қўлланилишида жарроҳлик даволаш самараси ошганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд [22].

Маълумки, ўпкаларнинг сурункали обструктив касаллигининг келиб чиқишига, ривожланишига ва қайталанишига ёрдам берувчи омиллардан бири нафас олиш йўлининг юқори бўлимида жойлашувчи инфекциядир. Чунки нафас йўллариининг юқори ва пастки бўлимлари анатомик-физиологик чамбарчас боғланган бўлиб, моҳиятан бир бутунни ташкил қилади. Бурун ва унинг ёндош бўшлиқларидан ажратмаларнинг аспирацияси, айниқса уйку маҳалида, нафақат ўпкаларнинг сурункали обструктив касаллигининг патогенезига, балки бошқа бронх-ўпка

касалликларига ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Бурундан нафас олишнинг шеърда бўлмаслиги бронх-ўпка тизимига салбий таъсир кўрсатади. Бинобарин, бурун ёндош бўшлиқларининг яллиғланиш касалликлари оториноларингология доирасидан анча ташқарига чиқиб, бронх-ўпка патологияси ва маҳаллий ҳамда гуморал иммунитетдаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлади.

Г.Е.Дженжера ва ҳаммуаллифларнинг тадқиқотлари натижаларига кўра, ўпкаларнинг сурункали обструктив касаллигининг 55% ҳолларда бактериал риносинусит билан бирга коморбид кечар экан. Бундай тоифага эгид беморлар оториноларинголог ва пульмонологнинг биргаликдаги кузатуви остида бўлишлари даркор. Тадқиқотчилар супракс, цефиксим дори препарати асосий респиратор патогенларга нисбатан юқори самарали бўлиб, юқори ва пастки нафас йўллари инфекцияларини бошланғич эмпирик даволашда танлов дори препарати бўлиб хизмат қилиши мумкинлигини таъкидлайдилар. [27].

Нафас йўлларининг комплекс самарали ҳимояси табиий механизмлар эродинамик филтрлаш, мукоцилиар клиренс, йўтал ва акса уриш, шунингдек носпецифик ва специфик иммун ҳимоя омиллари ёрдамида амалга оширилади. Мукамал, ўзаро мувофиқ тарзда фаолият юритувчи ҳимоя механизмлари нафас йўлларининг тозалов дренаж функциясини таъминлашга, уларда гомеостазнинг сақланишига, респиратор тизимда ўзгарган структура ва функцияларнинг тикланишига имкон яратади. Нафас йўлларини ҳамда бутун организмни ингалецион патогенлардан юқори даражада ҳимоялаш учун бурун ва унинг ёндош бўшлиқлари шиллик эпителининг физиологик фаоллигини тиклаш йирингли риносинуситларни даволаш дастурининг муҳим ва зарурий таркибларидан ҳисобланади. Акил Али Фарид ва ҳаммуал. (2013) 21 дан 57 ёшгача бўлган 120 нафар сурункали йирингли риносинуситли беморларни даволашда маҳаллий давони денгиз сувининг стерил изотоник эритмаларини эндоназал ирригациялаш билан қўшиб олиб борилганда бурун бўшлиғи шиллик

пардасининг физиологик фаоллигининг тикланиш динамикасини ўрганганлар. Эндоназал ирригациялар бурун бўшлиғи функционал ҳолатининг, унинг иммунологик реактивлиги ҳамда бурун секретининг структурасининг тикланишига ёрдам берган [74].

Бугунги кунга келиб бактериал риносинуситларни даволашда эмпирик антибиотикли терапия истиқболли йўналиш бўлиб, унинг натижаси нафақат кўзгатувчининг эрадикациясига, балки зарарланган бўшлиқлар дренажининг тикланиш имкониятларига ва патологик секретнинг реологик хусусиятларига ҳам боғлиқ. Гиёҳли дори препарати синуфорте ёрдамида ижобий натижаларга эришиш мумкин. Синуфорте европа цикламени кулупнайининг шарбати лиофилизати ва экстрактидир. Дори препарати ўрта бурун йўли соҳасидаги уч шохли нерв сезувчи рецепторларига таъсир ўтказиб, бурун ва унинг ёндош бўшлиқлари шиллиқ пардасида рефлекс секретция чақиради.

Гиперсекреция яллиғланиш экссудати ҳажмининг ошиши, секрет реологик хусусиятларининг ўзгариши ва унинг шилимшиқлигининг янада меъёрлашуви билан кечади. Рефлекс гиперсекреция билан бирга дори препаратининг шишга қарши таъсири секретнинг бурун ёндош бўшлиқларининг барчасидан бурун-ҳалқумга эвакуациясига олиб келиб, уларнинг ёппасига дренажланишини таъминлайди. Дори препарат шунингдек бурун бўшлиғи ва бурун ёндош бўшлиқларидаги мукоцилиар транспортининг тикланишига ёрдам беради. Синуфорте бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари шиллиқ пардасида қон микроциркуляциясини кучайтиради, чунки секретияни фаоллаштирувчи парасимпатик рағбатлантирув безчаларни қон билан таъминловчи томирларда вазодилатация чақиради [46].

Бизнинг мамлакатимизда ҳозирга қадар юқори жағ бўшлиғи йирингли синуситларини даволаш учун анъанавий тарзда пункция усулидан фойдаланиб келинмоқда. Бироқ, нисбатан оддий ва одатий бўлиб қолган мазкур даволаш усули қатор камчиликларга эга: ушбу муолажадан

беморнинг чўчиши, пункция чоғида нинанинг бошқа чегаравий худудларга кириб кетиш хавфи, касаллик даврида ҳаёт сифатининг анча пасайиши кабилар. Булардан ташқари риносинуситли беморларда кўшилиб келувчи бронхиал астмада ўтказилувчи жарроҳлик амалиёти бронхоспазмларга сабабчи бўлиши мумкин. Бинобарин, юқори жағ синуситини даволашда, айниқса муаммоли тоифага, биринчи навбатда БА га тааллуқли беморларда, пункцияли усулни чеклаш даркор [47].

Муаллифларнинг 2 йиллик кузатувлари натижаларга кўра, пункция қилмай туриб, тизимли антибиотиклар, Таваник, Н<sub>1</sub>-гистамин рецепторларининг блокаторлари ва топик глюкокортикостероидлар ёрдамида адекват равишда танланган комплекс даволаш БА ёки сурункали бронхит замирида кечувчи ўткир гайморитли беморларнинг 70% ҳолларда соғайиб кетишига ёки тургун ремиссиясига олиб келган [56, 69, 70, 72, 73, 74].

Ҳозирги кунда 2-авлод антигистамин дори препаратлари устунликка эга, булар орасида фаол метаболитлар яққол афзалликни намоён этади, чунки улар организмда метаболизмга учрамайди. Шунинг учун буларни жигар ва буйракларнинг фаолияти бузилишларида ҳам тайинлаш мумкин. Бундан ташқари фаол метаболитлар бошқа дори препаратлари билан ўзаро таъсирлашишга киришмайди, демак уларни макролидлар ва тизимли замбуруғларга қарши воситалар билан бир вақтда қўллаш мумкин бўлади. Фаол метаболитларнинг ёрқин вакили цетиризин Н<sub>1</sub>-рецепторларни тўхтатибгина қолмай, эозинофиллар фаоллигини ҳам бўғади [8, 15, 16, 18, 20].

### **3. Фармакоиктисодий изланишларнинг асоси ва усуллари таҳлили**

Клиник-иктисодий таҳлилнинг асосий турлари

Дунё миқёсида касалликларни даволашга қилинаётган харажатлар мунтазам ошиб бормоқда. Даволашнинг муқобил усуллари ёрдамида мавжуд иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш керак.

Ҳозирги кунда Дания, Буюк Британияда ва Европанинг бошқа давлатларида ҳамда Россия Федерациясида фармакоиктисодий изланишларга жиддий эътибор берилмоқда.

Фармакоиктисод 1980 – йилларда Канада, Буюкбритания ва АҚШ да пайдо бўлиб, ҳозирги кунда турли давлатларда соғлиқни сақлаш тизимининг алоҳида йўналишига айланган.

Фармакоиктисод беморларни дори воситалари билан даволаш қийматини, даволашнинг муқобил усуллари билан комплекс ўрганишга доир илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, клиник текширувлар натижаларини таққослаш ёрдамида амалиётга самарали ва минимал сарф-харажатлар қилиб, максимал даражадаги даволаш усуллари тадбиқ этади.

Минимал сарф-харажатлар деганда, нархи энг арзон дори воситаларини эмас, балки юқори самарали ва хавфсиз дори воситаларини тиббиёт амалиётида қўллаб, умумий даволаш сарф-харажатларининг қисқартирилишини тушуниш керак. [17,58,61].

Фармакоиктисод илмий-тадқиқотлар натижасида, ушбу фан усуллари билан тўғри фойдаланиб, минимал сарф-харажатлар билан тиббиёт амалиётида қўлланилиши мақбул бўлган дори воситалари гуруҳларини аниқлаб беради.

Истеъмолчи ва касалликларни даволовчи шифокорлар учун самарали дори воситаларини тиббиёт амалиётида беморларга тавсия этиш имконияти яратилади.

Фармакоиктисоднинг қуйидаги усуллари тиббиёт амалиётида кенг қўлланилмоқда.

Фармакоиктисодий таҳлилнинг стандартлаштирилган услублари қуйидагилардан иборат:

“Касаллик қиймати” таҳлил усулида касалликни даволашнинг гўғридан-гўғри ва кўшимча сарф-харажатлари ўрганилади. Маълум бир касалликни даволаш учун барча сарф-харажатлар ҳисоблаб чиқилади.

Даволаш харажатларини «касалланиш қиймати» таҳлили формуласи асосида ҳисобланади.

$$COI = DC + IC,$$

– бу ерда COI – касалланиш қиймати кўрсаткичи;

DC – бевосита харажатлар;

IC – билвосита харажатлар.

Шунга асосланиб тадқиқотининг кейинги босқичида «харажат – самарадорлик» усулидан фойдаланиш мумкин.

“Харажат-фойда таҳлили” усули билан касалликни даволашнинг пул кўринишидаги сарф-харажатлари баҳоланади. Даволашнинг муқобил усуллари орасидан сарф-харажатлар энг кам бўлишини таъминлайдиган дастур тақдим этилади [21, 22, 26, 27, 28 54, 56].

Умумий ҳолат фойдалилиги ҳисоби таҳлил натижасини сезиларлича ўзгартириши мумкин.

Харажатлар – фойда таҳлили (cost benefit analysis – CBA) пул афодасида тақдим этилган тиббиёт технологияларидан фойдаланиш иқтисодий самарадорлиги ва харажатлар нисбатини баҳолашга асосланади, яъни бевосита тиббиёт харажатлари ва даволаш натижалари пул бирликларида баҳоланади. Харажатлар – фойда таҳлилининг натижаси бошқа муқобил усулларга нисбатан технологиялар ёки дори воситасининг қўлланишидан бевосита фойдани аниқлаш ҳисобланади. Ҳисоб-китоблар куйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$(B_1 - B_2) - (DC_1 + IC_1 - DC_2 - IC_2) \text{ ёки } (B_1 - B_2) / (DC_1 + IC_1 - DC_2 - IC_2),$$

бу ерда:  $IC_1$  – мувофиқ тарзда иккинчи усулни қўлланишдан бевосита аз

$B_1$  ва  $B_2$  – мувофиқ тарзда биринчи ва иккинчи усулдаги фойда;

$IC_1$  ва  $IC_2$  – мувофиқ тарзда биринчи ва иккинчи усулдан фойдаланишдаги билвосита харажатлар;

$DC_1$  ва  $DC_2$  – мувофиқ тарзда биринчи ва иккинчи усулдан фойдаланишдаги бевосита харажатлар.

Олдини олиш имкони бўлган меҳнатга лаёқатсизлик кунлари сони ва эга бўлинган ҳаёт йиллари сингари самараларни пул эквивалентига ўтказиш доим ҳам осон эмас. Бундай таҳлил натижалари харажатларининг пулдаги фойдага нисбати шаклида ёхуд бир дастурнинг бошқасига нисбатан нетто-фойдалилигини, ёки зарарини ифодаловчи оддий, эҳтимол, қониқарсиз сумма кўринишида ифодалаш мумкин. Фармокоиктисодий тадқиқотларда бу усулдан кам фойдаланилади. [58,61]

Харажатлар – фойдалилик таҳлили (cost utility analysis – CUA). Агар харажатлар – фойдалилик таҳлили якуний даволаш, саломатлик даражасини яхшилаш натижалари ҳамда оралиқ натижаларни аниқлаш учун бажарилиши мумкин бўлса, у ҳолда харажатлар – фойдалилик таҳлили фақат якуний натижаларга дахлдор бўлади. Фойдалилик, яъни утилитарлик юқори фойдалилик, яъни “харажатлар – фойдалилик” мезони бўйича таҳлил давомида саломатлик учун фойда кўринишида баҳоланган даволаш самараси сифатида таснифланади. Пул ифодасидаги юқори фойдалилик бир давр давомида беморнинг ушбу ҳолатда бўлиши билан боғлиқ молиявий харажатларни намоён этиши мумкин:

$$CUA = [(DC_1 + IC_1) - (DC_2 + IC_2)] / Ut_1 - Ut_2,$$

бу ерда: CUA – харажатлар – фойдалилик нисбати (яъни фойдалилик бирлиги қиймати, масалан, бир йил сифатли ҳаёт);

$DC_1$  – биринчи усулдан фойдаланишдаги бевосита харажатлар;

$IC_1$  – биринчи даволаш усулидан фойдаланишдаги билвосита харажатлар;

$DC_2$  и  $IC_2$  – мувофиқ тарзда иккинчи усулни қўллашдаги бевосита ва билвосита харажатлар;

$$CMA = DC_1 - DC_2 \text{ ёки } CMA = (DC_1 + IC_1) - (DC_2 + IC_2).$$

$Ut_1$  и  $Ut_2$  – биринчи ва иккинчи даволаш усулларидан фойдаланишдаги утилитарлик.

- Таҳлил усуллари. “Харажатларни минималлаштириш” таҳлили
- “Харажатларни минималлаштириш” таҳлилини бир кўрниши бўлиб, даволашни бир услубининг бошқаси билан таққосламасдан баҳолаш олиб борадиган “барча сарфларни таҳлил қилиш” ҳисобланиди.

- Билвосита харажатлар.
- Бевосита нотиббий харажатлар.
- Бевосита тиббий харажатлар.

“Харажатлар самарадорлиги таҳлили” раҳбариятга самарадорлиги юқори бўлган муқобил вариантларни аниқлаш ҳамда соғлиқни сақлаш тизимига миллий дастурларни камроқ сарф-харажатлар билан жорий этиш имконини беради.

Харажатларни камайтириш таҳлили (cost minimization analysis – CMA). “Харажатларни минималлаштириш таҳлили” терапевтик самарадорлиги бир хил бўлган бир неча хил дори воситалари орасидан қиймат кўрсаткичи энг кам бўлганини амалиётга тавсия этади.

- Иккита ва ундан кўп альтернатив даволаш услубларининг қиймати фарқларини қиёслаш учун ишлатилади, бу услублар ўзининг клиник самарадорлиги бўйича тенг қийматли бўлса.

- Ўрганилаётган услубларнинг терапевтик самарадорлиги ҳақидаги маълумотлар адабиёт манбаларидан ва клиник тадқиқотлар натижаларидан олинади [38, 41, 42, 45, 46, 47, 48].

- Билвосита харажатлар (иш ҳақини тўла олмаслик).
- Бевосита нотиббий харажатлар (стационардаги кунлар сони).
- Бевосита тиббий харажатлар (дори воситаларининг нархи).

Сарф-харажатларни камайтириш қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$CMA = DC_1 - DC_2 \text{ ёки } CMA = (DC_1 + IC_1) - (DC_2 + IC_2),$$

бу ерда:  $СМА$  – сарф-харажатларни фарқлаш кўрсаткичи;  $DC_1$  – биринчи усулдан фойдаланишдаги бевосита сарф-харажатлар;  $IC_1$  – биринчи усулни қўллашдаги билвосита сарф-харажатлар;  $DC_1$  ва  $IC_1$  – мувофиқ тарзда биринчи усулни қўллашдаги бевосита ва билвосита сарф-харажатлар;  $DC_2$  ва  $IC_2$  – мувофиқ тарзда иккинчи усулни қўллашдаги бевосита ва билвосита сарф-харажатлар. [37,40,78,84,23]

- Бевосита нотиббий харажатлар (стационардаги кунлар сони).
- Бевосита тиббий харажатлар (даволаш ёки дори препаратнинг нархи).

Сарф-харажатларни камайтириш таҳлилида исботланган идентик самарадорликка эга муқобил аралашув харажатлари қиёсланади. Сарф-харажатларни камайтириш таҳлили харажатлар – самарадорлик таҳлилининг кичик тури ҳисобланади.

Харажатлар – самарадорлик таҳлили (cost effectiveness analysis – CEA) клиник самарадорлик бирлигига тўғри келувчи сарф-харажатларни ҳисоблашни кўзда тутиб, у бевосита клиник ўлчамлар (артерия босими, гемоглабин даражаси) кўринишида, “сақланиб қолган умр йиллари”, меҳнатга ноқобиллик кунлари қисқариши, шунингдек, касалланишнинг аниқ ташхисланган сони ёрдамида ўлчаниши мумкин. У турлича самарадорлик даражаларига эга икки ёки ундан ортиқ тиббиёт технологиялари ёрдамида бир хил даволаш мақсади кўзланганда қўлланилади. Бу таҳлил бир вақтнинг ўзида харажатлар билан бирга қўлланилаётган даво чоралари самарадорлигини ҳисобга олиш ва қиёслаш имконини беради. [59,60,61]

Таҳлил икки босқичда ўтказилади. Биринчи босқичда бир беморга ўртача ёки якуний харажатлар миқдорини аниқлаш учун тиббий аралашув натижалари таҳлил қилинади. Бу босқичда қарорлар таҳлилидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. У муқобил клиник вариантлардан бирини танлашга ёндашувни акс эттиради ва мураккаб муаммо ва жараёнлар

бўйича қарорлар қабул қилиш имконини бериб, улар муфассал таҳлил учун алоҳида блокларга бўлинади.

График тарзда блоклар қарорлар дарахти кўринишида тасвирланиб, у стратегик танловнинг муқобили, кейинги ҳодисалар ва якуний натижалар (яқунлар) нинг юз бериш эҳтимолий даражаси ҳисобланади. Клиник қарорлар дарахтини ҳосил қилиш учун муаммони аниқ белгилаш; муваффақиятли ва муваффақиятсиз якуний натижаларни ёритиш; беморни даволашнинг альтернатив стратегиялари ва уларнинг самарадорлигини муқодалаш; уларнинг юз бериш эҳтимолий даражасини баҳолаш (% да); шунингдек, жараённинг вақтинча ўлчамларини белгилаш зарур.

Ҳар бир ҳаракат стратегияси бўйича кутилаётган харажатлар ҳар бир япроқдаги харажатларни бу япроқда содир бўлиш эҳтимолига эга ҳодисаларнинг юзага келиш умумий эҳтимолига кўпайтириш йўли билан ҳисобланади. Сўнгра стратегияларнинг турли вариантлари сотишда кутилаётган харажатлар миқдори бўйича ўзаро қиёсланади.

Иккинчи босқичда калькуляция тузилиб, беморларни даволаш бўйича ҳисобланаётган ҳар бир вариант бўйича харажатлар самарадорлиги коэффициентлари қиёсланади. Харажатларнинг ўртача самарадорлиги ҳар бир муқобил даволаш варианты бўйича аввалдан белгиланган якуний натижага эришиш учун зарур харажатларни ўлчаш йўли билан ҳисобланиши мумкин. Даволаш вариантларидан бири бўйича харажатлар самарадорлигини ошириш ҳисоб-китоби амалга оширилади, олинган натижалар бошқа даволаш вариантлари натижалари билан қиёсланади. Бундай ҳолатда таҳлил якуний даволаш натижаси қўшимча бирлигининг қийматини кўрсатади.

- Даволашнинг иккита ва ундан кўпроқ альтернатив услубларининг қиймати фарқларини, шунингдек уларнинг клиник самарадорлигидаги фарқларни (тафовутларни) қиёслаш учун қўлланилади.

Даволашнинг ҳар бир муқобил схемаси учун харажатлар – самарадорлик нисбати қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$CEA = (DC_1 + IC_1) - (DC_2 + IC_2) / Ef_1 - Ef_2,$$

бу ерда:

CEA – харажатлар-самарадорлик нисбати (самарадорлик бирлигига тўғри келувчи харажатларни кўрсатади);

DC<sub>1</sub> – биринчи усулдан фойдаланишдаги бевосита харажатлар;

IC<sub>1</sub> – биринчи усулдан фойдаланишдаги билвосита харажатлар;

DC<sub>2</sub> – иккинчи даволаш усулидаги бевосита харажатлар;

IC<sub>2</sub> – иккинчи даволаш усулидаги билвосита харажатлар;

Ef<sub>1</sub> – Ef<sub>2</sub> – мувофиқ равишда биринчи ва иккинчи усуллардан фойдаланишдаги даволаш самарадорлиги.

Куйидаги формула бўйича ҳам ҳисоб-китоб қилиш мумкин:

$$CEA = DC + IC / Ef,$$

Бу ерда: DC – бевосита харажатлар (direct costs);

IC – билвосита харажатлар (indirect costs);

Ef – танланган birlikлардаги даволаш самарадорлиги (effectiveness).

- Инкрементал таҳлил

- Инкрементал таҳлил “Даволашнинг анча самарали услубини кўшимча афзаллиги учун қанча тўлаш керак?” деган саолга жавоб бериш имконини туғилади.

Сақлаб қолинган ҳаёт йилларини ҳисоблаш: (формула Weinstein – Stason).

- $C/E = (Cr_x + Cse - Cmor_b + Cr_xle) / (Yle + Ymor_b - Yse)$

Бунда, C/E – даволаш сабабли сақланиб қолган ҳаёт йили нархи;

Cr<sub>x</sub> - улар давомида асосий даволаш қиймати;

Cse – ўрганилаётган дори воситасининг ножўя таъсирларини даволаш нархи;

S morb – асосий патологиядан ўлим ҳолатларининг кутилаётган пасайиши билан боғлиқ харажатлар тежалиши;

Cx1 e- ҳаётий давомийлигини ошириши кутилиши билан боғлиқ бошқа патологияни даволаш нархи;

Y1e – асосий патологиядан ўлим ҳолатлари пасайиши натижасидаги ҳаёт давомчилиги кўпайиши;

Y morb – асосий патология бўйича касалланишнинг пасайиш ҳисобига ҳаёт йиллари миқдорида ифодаланган ҳаёт сифати кўпайиши;

Y se – асосий терапиянинг ноҳўя самараси сабабли йиллари миқдорида ифодаланган ҳаёт сифати пасайиши). [11,12,13,30,34,36]

Таҳлил натижаларига асосланиб, фармакоиктисодий изланишлар олиб бериш, дори воситалари таъминотини тўғри ташкил этиш ҳамда иқтисодий сарф-харажатларни қисқартириш мумкин.

Фармакоиктисодий илмий-тадқиқотлар натижасида тиббиёт амалиётига юқори самарали ва сарф-харажатлари кам дори воситалари тавсия қилинади.

#### **4. Дори воситаларининг истеъмолида нарх-наво даражаси таҳлили**

Дори воситаларига нархлар шаклланиши ҳар бир дори препаратининг ўзига хос хусусият ва хоссалари билан белгиланса, бу жараёнга талаб, тақлиф ва бозор муҳитининг бир қатор омиллари ҳам таъсир қилади.

Дори воситалари нархлари муаммоси кўп омилли муаммо бўлиб, бир замондан нархлар сиёсати давлат иқтисодий сиёсатининг ажралмас қисми, бошқа томондан эса, дори воситалари қиймати тўғрисидаги масала сиёсий, ижтимоий, ахборот ва маънавий жиҳатларга эга. Дори воситалари нархларини ижтимоий аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда ҳал этиш, барча даражадаги давлат органларини ўзаро боғлаш ва молиявий имкониятлар асосида қатор қарорларни мувозанатлаштириш зарур.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг тараккий этиши иқтисодиётнинг барқарор ривожини рағбатлантиришда нарх шаклланишининг аҳамиятини кучайтириш, аҳолини оммабоп нархлардаги юқори сифатли маҳсулот билан таъминлашни кўзда тутди. [86]

Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелдаги “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, 15.04.1999 йилдаги ўзгартириш ва қўшимчалар билан, 4-моддасида “Давлат органларининг дори воситалари билан таъминлаш соҳасидаги ваколатлари”да қайд этилганидек, “. . . Ўзбекистон Республикаси Хукумати дори воситалари билан таъминлаш соҳасидаги сиёсатни белгилайди ва рўёбга чиқаради, дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлашга доир соғлиқни сақлаш дастурларини тасдиқлайди ва маблағ билан таъминлайди, уларнинг нархларини назорат қилади”<sup>1</sup>. [1]

Мамлакат ҳукумати томонидан қатор ўзгартиришлар, қўшимчалар ва тегишли қарорлар киритилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 10 октябрдаги 354-сонли Қарори билан Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб тан олинган, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 14 январдаги 19-сонли “Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари сотишни тартибга солиш тўғрисида”ги Қароридан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки лицензияси эгалари бўлган импорт билан шуғулланувчи корхоналар учун истисно қилиш белгиланган банди чиқариб ташланган. [2]

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 10 январдаги 354-сонли ва 2005 йил 27 январдаги 35-сон қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги 307-сонли “Ички бозорни дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги

<sup>1</sup> “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1997 йил 25 апрель (15. 04. 1999 йилдаги ўзгартириш ва қўшимчалар билан). Ўзбекистон Республикасида фармацевтика фаолияти. 1 – китоб. –Т., 2001, б. – 7.

қарорига ўзгартиришлар киритилган. Белгилаб қўйилганки, импорт дори воситалари ва тиббий буюмларни сотиш, етказиб беришда қатнашаётган воситачиларнинг сони қанчалигидан қатъий назар, улгуржи чакана савдо устама қийматини қўллаган ҳолда, харид таннархидан 20% дан ортиқ бўлмаган қийматда амалга оширилади. Улгуржи ва чакана дорихона муассасаларининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошидаги бюджетдан ташқари нафақа ва Республика йўл фондларига чегирмалари фойдадан амалдаги ставкалар бўйича амалга оширилади. Тижорат банклари ва чакана дорихона муассасаларига хизмат кўрсатишларида, хорижий валютани сотишда сотилган валюта қийматининг 0,5% идан кўп бўлмаган ҳолда комиссия мукофоти ставкасини қўллаш тавсия этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 14 январдаги “Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари сотишни тартибга солиш тўғрисида”ги 19-сонли Қарорига асосан Республикада амалини ижтимоий муҳофаза қилишни амалга ошириш мақсадида дори воситаларини сотиш ва дорихона нархларини назорат қилиш соҳасидаги тендабузарликларни бартараф этишга оид ишлар бошланган. Импорт дори воситалари учун улгуржи ва чакана савдода максимал қўшимча қиймат – 20%, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг дори воситалари билан чакана савдо учун – 25% кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 14 июлдаги ПФ – 916 “Республикада дори-дармонлар сотишни тартибга солиш тўғрисида”ги Фармонини бажариш борасида, аҳолининг дори-дармон, доривоблар ва тиббий буюмлар билан таъминланишини яхшилаш учун 1994 йил 6 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республикада дори-дармонлар ва тиббий буюмлар билан таъминлашни ва уларни тақсимлашни яхшилашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ – 404 сонли Қарори қабул қилинган. Мазкур Қарор билан барча дорихона муассасалари учун, уларнинг мулкчилик

шаклидан қатъий назар, дори воситалари ва тиббий буюмларнинг рўйхати ҳамда чекланган чакана нархларда сотишнинг зарурий қоидалари тасдиқланган. [3]

Ушбу Қарорга биноан, мулкчилик шакли ҳамда мансублигидан қатъий назар, барча дорихона муассасалари рўйхатда келтирилган дори воситалари ва тиббий буюмларга эга бўлишлари ҳамда уларнинг эркин савдосини таъминлашлари шарт. Улар бўлмаган ҳолатларда дорихона муассасаларига белгиланган тартибда уларни генериклари билан алмаштиришларига рухсат этилади. Қайд этиш жоизки, сўнгги йилларда инфляцияга қараб, дори воситалари ва тиббий буюмларнинг чакана нархларини белгилашда айрим ўзгаришлар киритилди. Ўзбекистон фармацевтика бозорини барқарорлаштиришга оид давлат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар мазкур йўналишдаги ишларни фаоллаштиришга имкон берди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда юқоридаги Қарорнинг иловасига асосланиб «Дори воситалари ва тиббий ашёлар чекланган чакана нархлари № 15-04-05-Уз-08 Прейскуранти»ни тасдиқлади. Рўйхатга дори воситалари ва тиббий буюмларнинг чиқарилиш шакллари, шунингдек 20 та дори воситасининг дозаланиши киритилган.

Марказлаштирилган хўжалик юритиш тизимида юзага келган нархни шакллантириш амалиёти, айни вақтда деярли ўз аҳамиятини йўқотган. Нарх шаклланишининг бозор механизмларига асосий рақобатбардошлик омили сифатида мослашиши зарурати юзага келмоқда. Дори воситаларига нархни шакллантириш механизмини таҳлил қилишга бозор омилларининг жами мажмуига эга бўлган ҳолда товарнинг сифати, талаб, таклиф, мода услуби, мавсум қонъюнктураси ва х. к. киради.

Нарх шаклланишига манфаатли ёндошувлардан бири мақсадли ҳисоб-китоб бўлиб, бозорда шаклланган муайян нарх асосида мазкур нархларни камайтириш зарурати туғилганда зарурий харажатлар ҳисобланади.

Мақсадли ҳисоб-китоб формуласи:

Даромад – Фойда = Таннарх.

Бу оддий ечим режалаштириш босқичида сарф-харажатларни камайтириш ва ажойиб назорат воситасини яратишга ёрдам берди.

Статистика маълумотларига кўра, гарчи 1993–2001 йилларда жонсавдосликларда нарх даражаси нисбатан камроқ ўзгарган бўлсада, 2002 йилда жонсавдосликлар (4% га ўсди) нархларининг етарли даражада ўсиши қайд қилинди. Умуман, 1988 йилдан 2002 йилларгача ўртача йиллик ўсиш суръати мос равишда 0,6% ва 0,9% ни ташкил этди, лекин худди шу суръаткичи – 2,5% дан юқори бўлган.

Россия фармацевтика бозорининг ривожланишига тўғридан-тўғри таъсири асосий иштирокчи – дорихона ва воситачининг ўзаро таъсири ўз аҳамиятини кўшади.

1991 йилгача барча истеъмол предметлари, шу жумладан дори воситалари бўйича барча иқтисодий соҳа нархларини 100% тартибга келтириш, марказлаштирилган тарзда ҳеч қандай иқтисодий асосларсиз белгиланган.

Ишлаб чиқарувчи корхоналар дори воситаларини барча истеъмолчиларга эркин нарх бўйича сотиши белгилаган. Дори воситалари эркин нархларининг асосланмаган тарзда ўсишига йўл қўймаслик мақсадида корхона учун рентабеллик даражаси, ушбу дори воситаси турларини ишлаб чиқарувчи турли мулкчилик шаклидан қатъий назар таннархга 30% миқдорда, шунингдек турли мулкчилик шаклидан қатъий назар яқуний савдо устамалари 50% дан кўп бўлмаган Россия Федерациясининг шимолий туманлари ва уларга тенглаштирилган йилларда дори воситалари ишлаб чиқарилган нархига устама қўйиш 80% белгиланган. [62]

Фармацевтика бозоридаги ўсиб бораётган рақобат шароитларида нарх стратегияси қатъий кескинликка эга бўлади. Нарх рақобатчилар ўртасида ҳисобчи ҳисобланади. Дорихона муассасаларининг рентабеллиги савдо

устамаларига боғлиқ. Нарх белгилашнинг сезиларсиз кўтарилиши ёки камайтирилиши нафақат корхона рентабеллиги, балки рақобатлашувчи субъектлар билан қиёслаганда унинг нуфузига ҳам таъсир этиши мумкин.

1996 йилдан 2002 йилларгача дори воситалари нархи барча истеъмол товар ва хизматларига нисбатан доимий равишда жадал ўсиб борди. Бу узок келажакда дори воситалари нархларида етарлича маълум узилишлар тўпланиб қолишига олиб келди.

Ўзбекистон фармацевтика бозоридаги юрак-қон томир касалликларида қўлланиладиган дори воситалари истеъмоли борасида 300 та сўровнома ўтказилган. Изланишлар натижасига кўра, дори воситаларининг нархи 50% оширилса, истеъмол ҳажми 21%га камайиши, 2 баробар оширилса, 15% га камайиши аниқланган. Нархларнинг 1% га кўтарилиши харидорлар истеъмолининг 0,42% га камайиши, нархлар 200% ошганда эса ҳар бир фоиз истеъмол ўзгариш тезлиги 0,75% га пасайиши аниқланган. [31]

Аҳоли ўртасида дори воситалари истеъмолчилари орасида сўровнома ўтказилганда уларнинг аксарият қисми юрак-қон томир касалликларида қўлланиладиган дори воситаларидан фойдаланиши, 30–40% и доимий равишда дори воситаларига муҳтож бўлиши аниқланган.

Нарх ва нарх сифати стратегияси нарх, сифат бугунги кун истеъмолчилари назарида компанияни ажратиб турадиган асосий омилдир.

Нархлар ва ассортимент сиёсати бирлашувида умумий ассортимент нарх сиёсатининг роли, бошқарувчи органларнинг молиявий-ҳуқуқий механизми, хизмат кўрсатувчи компаниялар транспорт хизматининг ривожланиши ҳамда ҳудудлар бўйича тармоқларнинг барча омиллари ассортимент ва нарх сиёсатининг ичида бўлиб, нархлар стратегияси, хизмат кўрсатиш ва умумий рентабелликнинг шаклланиши, бозорда ўз мавқеига эга бўлишда асосий ўрин тутди.

Ўзбекистон шароитида маҳаллий фармацевтика корхоналарида дори воситаларининг нархлари шаклланишида ишлаб чиқариш жараёнидаги

сарф-харажат кўрсаткичлари ўрганилиб, маҳаллий ва хориждан импортланган дори воситаларининг нархлари таҳлил қилинганда бир хил шакли ва дозага эга бўлган баъзи дори воситаларининг нархлари орасидаги тафовут 1,1–5 баробаргача фарқ қилиши аниқланган. [75]

Дори воситаларини ишлаб чиқаришда маҳаллий хомашёлардан фойдаланилса, валюта сарф-харажатларининг қисқаришига олиб келади. Дароҳ-китобларга кўра, маҳсулотларни қайта ишлаб, бирламчи хомашёдан қайта ишлаб чиқаришга бўлган жараён импорт учун кетадиган валюта сарф-харажатларини 40% гача қисқаришига олиб келади. [81]

Дори воситалари нархлари муаммоси кўп омилли муаммо бўлиб, бир томондан нархлар сиёсати давлат иқтисодий сиёсатининг ажралмас қисми, иккинчи томондан эса, дори воситалари қиймати тўғрисидаги масала сиёсий, ижтимоий, ахборот ва маънавий жиҳатларга эга. Дори воситалари нархлари муаммосида кўрсатилган жиҳатлар моҳиятига кўра, ўзаро зид қилинади, бу турли даражадаги ижроия ҳокимияти органларининг дори воситаларига нархни шакллантириш масалалари бўйича қарор қабул қилишида ноаниқлик ва қатъиятсизлик ҳолатлари сабабларидан бири қилинади. Дори воситалари нархларини ижтимоий аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда ҳал этиш, барча даражадаги давлат органларини ўзаро боғлаш ва молиявий имкониятлар асосида қатор қарорларни мувоозанатлаштириш зарур [67, 134, 71].

Дори воситалари нархининг юқорилиги соғлиқни сақлаш тизимини янгилаштиришнинг чекланганлиги ва аҳолининг сотиб олиш қобилияти камлиги сабабли касалликларни самарали аниқлаш, даволаш, олдини олиш масалалари ўз таъсирини ўтказди. Натижада бир касалликни турли дори воситалари билан даволаш турли чиқим кўрсаткичларига олиб келади [7].

Ўзбекистоннинг Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Хоразм вилоятларида фармацевтика бозорининг 99 та субъекти ва дорихоналарга 100 та ташриф бажарувчилар орасида сўровнома ўтказилди. Дорихоналарга ташриф

буюрувчилар умумий сонида кўпинча аёллар дорихоналарга боришлари аниқланди (57%), дорихоналардан дори воситаларини сотиб олишда нарх омили аҳамияти жиҳатидан биринчи ўринда туриши, бошқа дорихоналарга нисбатан дори воситаларига паст нархлар кўйилиши истеъмолчиларнинг дори воситаларини сотиб олиш кўрсаткичига таъсир этиши аниқланди.

Сўровнома натижаларига кўра, дорихонани танлаш мезони унинг уй ёки ишхонага яқинлиги ҳисобланади (58,8%), нарх омили аҳамияти жиҳатидан ҳамма сўралганларнинг 53,8% ини ташкил этади. Дори воситаларини сотиб олишда асосий мезон сифатида, биринчи навбатда, таъминотчидаги фармацевтика препаратлари ассортиментининг кўплиги ва турли-туманлиги – 29,3%, паст нархлар (27,3%) ва сўзсиз юқори сифатли дори воситалари (14,1%) ҳисобланади. Дорихонанинг даромади, респондентларнинг фикрича (7,9%), дори воситалари нархларининг ошиши ҳисобига содир бўлиши аниқланган [67].

Дори воситаларининг нархлари ўсиш суръати ўтган йилнинг аналогик даври билан қиёсланганда Беларусияда – 27,3% эканлиги қайд этилган. Кейинги ўринларни Россия, Қозоғистон, Украина эгаллаган, мос равишда, 18,7%, 11,8% ва 6,1%. Шартли ўрамнинг ўртача қиймати Беларусияда нисбатан пастроқ, яъни 0,77 доллар, Россияда эса юқорироқ – 1,38 доллар. Рецепт орқали берила-диган дори препаратларнинг бир ўрами қиймати каторида аналогик йўналиш кузатилган: Россияда нисбатан қимматроқ нархдаги ўрам – 2,58 доллар, Беларусияда арзонроқ – 1,4 доллар. Буларнинг барчаси чакана тармоқда ўртача савдо устамаси тақсимоотида – 24,5% дан Қозоғистон ва 30,6% гача Украинада бўлган [77].

Нархларни давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим элементларидан бири асосий дори воситаларини ишлаб чиқарувчилар нархларини рўйхатга олиш ҳисобланади. Россия Федерацияси субъектларининг ижроия ҳокимияти органларининг қарорларига кўра, асосий дори воситалари нархларига чекланган чакана ва улгуржи устамаларни белгилаш юклатилган [25].

Дори воситаларига нархни шакллантириш механизмини таҳлил қилишга бозор омилларининг жами мажмуига эга бўлган ҳолда товарнинг сифати, талаб, таклиф, мода услуби, мавсум конъюнктураси ва ҳ. к. ҳисобланади.

Нарх шаклланишига манфаатли ёндошувлардан бири мақсадли ҳисоб-китоб бўлиб, бозорда шаклланган муайян нарх асосида мазкур нархларни шакллантириш зарурати туғилганда зарурий харажатлар ҳисобланади.

Мақсадли ҳисоб-китоб формуласи:

Нарх – Фойда = Таннарх.

Бу оддий ечим режалаштириш босқичида сарф-харажатларни шакллантириш ва ажойиб назорат воситасини яратишга ёрдам берди [49].

Статистика маълумотларига кўра, гарчи 1993–2001 йилларда генерикларда нарх даражаси нисбатан камроқ ўзгарган бўлсада, 2002 йилда генериклар (4% га ўсди) нархларининг етарли даражада ўсиши қайд қилинади. Умуман, 1988 йилдан 2002 йилларгача ўртача йиллик ўсиш суръати мос равишда 0,6% ва 0,9% ни ташкил этди, лекин худди шу суръаткичи – 2,5% дан юқори бўлган [50].

Россия фармацевтика бозорининг ривожланишига тўғридан-тўғри таъсир асосий иштирокчи – дорихона ва воситачининг ўзаро таъсири ўз ҳиссасини кўшади [51].

Давлат томонидан қўйилган асосий мақсад аҳоли учун қулайроқ дори воситалари билан ёрдам кўрсатишдир, бунда солиштирма нарх сиёсати иқтисодий қулайликнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади [52,64,47,65].

1991 йилгача барча истеъмол предметлари, шу жумладан дори воситалари бўйича барча иқтисодий соҳа нархларини 100% тартибга келтириш, марказлаштирилган тарзда ҳеч қандай иқтисодий асосларсиз белгиланган [66].

Ҳозирги вақтда кўпгина дорихоналарнинг савдо устамаси 20–25% даражасида ўзгариб турибди. Ҳатто 3–5% чегирмани олган ҳолда дори

воситасининг ўзгармас нархида савдо баҳоси, фойда ҳамда миқдорни ҳам ўзгартирмаслик мумкин [82].

Шунингдек, аҳоли гуруҳлари рўйхати ва касалликлар тоифаси аниқлаб олинди, бунда амбулатор даволаш жараёнида дори воситалари ва тиббиёт буюмлари шифокорнинг рецепти бўйича бепул ёки эркин нархдан 50% лик чегирма билан берилади.

Ишлаб чиқарувчи корхоналар дори воситаларини барча истеъмолчиларга эркин нарх бўйича сотиши белгилаган. Дори воситалари эркин нархларининг асосланмаган тарзда ўсишига йўл қўймаслик мақсадида корхона учун рентабеллик даражаси, ушбу дори воситаси турларини ишлаб чиқарувчи турли мулкчилик шаклидан қатъий назар таннархга 30% миқдорида, шунингдек турли мулкчилик шаклидан қатъий назар якуний савдо устамалари 50% дан кўп бўлмаган Россия Федерациясининг шимолий туманлари ва уларга тенглаштирилган жойларда дори воситалари ишлаб чиқарилган нархига устама қўйиш 80% гача белгиланган [83].

Германияда ишлаб чиқарувчилар даражасида дори воситаларига нархлар давлат томонидан тартибга солинмайди, лекин фармацевтика саноати касаба уюшмаси томонидан назорат қилинади. Бунда улгуржи бўғинда савдо нархлари Германияда ўртача 14%, чакана бўғинда эса 31% деб белгиланди. Австрияда дори воситаларига улгуржи нархлар 13% га тенг [85].

Россия Федерациясида 10% миқдорида барча дори воситаларига қўшимча қиймат солиғи ва 24% миқдорида маҳаллий корхоналар учун даромад солиғини жорий этиш 2002 йилда маҳаллий нархларнинг – 11,5% ва чакана нархларнинг 12,1% га ўсишига олиб келган [86].

Россия Федерацияси бўйича улгуржи фармацевтика бўғинида ҳаётий зарур дори воситаларига нарх белгилаш даражаси ўртача 10% дан 25% гача, чакана бўғинда 10–50% ни ташкил этади. Франция, Италия ва Бельгияда дори воситаларига нархлар давлат томонидан асосланади [87].

Фармацевтика бозоридаги ўсиб бораётган рақобат шароитларида нарх стратегияси қатъий кескинликка эга бўлади. Нарх рақобатчилар ўртасида тақдирчи ҳисобланади. Дорихона муассасаларининг рентабеллиги савдо шартномаларига боғлиқ. Нарх белгилашнинг сезиларсиз кўтарилиши ёки пастайтирилиши нафақат корхона рентабеллиги, балки рақобатлашувчи субъектлар билан қиёслаганда унинг нуфузига ҳам таъсир этиши мумкин. Дори воситаларига нархларнинг умумий ўсиш оралиғи 1996 йилга нисбатан 2001 йилда 10,7 баробар қимматлашди, бу вақтда нархларнинг умумий кўтарилиш индекси деярли 7,4 баробар ўсди.

Канадада ўтказилган тадқиқот йўлдош касаллиги бўлмаган шижозларда артериал гипертензияни даволаш учун ингибиторлар танловини фармакоиктисодий баҳолаш, эналаприл ва унга ўриндош шифатида аввал кенг қўллаб келинган каптоприлдан, дори препаратининг ўртача суткалик дозасининг нисбий қийматига қарамай, фойдаланиш касадга мувофиқлиги тўғрисида хулосага келиш имконини берди. Ўтказилган таҳлилга кўра, гипертензияга қарши даволашнинг баҳоси шариблиги дори воситалари истеъмоли оқилона эканлигини рафолатламайди.

Россия Федерацияси фармацевтика бозорида улгуржи ташкилотларда қарши ишлаб чиқарувчиларнинг бир хил дори воситаларига нархлари тақсимооти 97% га етди, шунинг учун дори воситалари муомаласи барча субъектларининг асосий вазифаси нархлар даражаси назоратини таъминлашдан иборат. Бундай механизмлардан бири дори воситаларини танлов асосида сотиб олишни ташкил этиш ҳисобланади. Давлат таъсиблари учун товарлар етказиб беришга буюртмаларни танлов асосида таъинлаштириш барча даражадаги бюджет маблағларини маълум тарзда таъсирли тежаш манбаи бўлади.

Дори воситалари нархи ретроспектив таҳлил қилинганда, сўнгги 5 йил давомида сил касаллигига қарши дори воситаларининг ўртача нархи 5 марта ошди, бунда ассигнация эса фақат 1,2 баробар ортди.

Нарх ва нарх сифати стратегияси нарх, сифат бугунги кун истеъмолчилари назарида компанияни ажратиб турадиган асосий омилдир.

Нархлар ва ассортимент сиёсати бирлашувида умумий ассортимент нарх сиёсатининг роли, бошқарувчи органларнинг молиявий-ҳукукий механизми, хизмат кўрсатувчи компаниялар транспорт хизматининг ривожланиши ҳамда ҳудудлар бўйича тармоқларнинг барча омиллари ассортимент ва нарх сиёсатининг ичида бўлиб, нархлар стратегияси, хизмат кўрсатиш ва умумий рентабелликнинг шаклланиши, бозорда ўз мавқеига эга бўлишда асосий ўрин тутди .

Фармацевтика бозоридаги дори воситаларининг чакана нархларига кўра, Ўзбекистонда сотиладиган дори воситаларининг ўртача нархда сотилиш ҳажмида 1-ўринни 3 долларга баҳоланган дори воситалари эгаллаб, улар 75–80% ни ташкил этади. 2-ўринда истеъмол қилинадиган арзон дори воситалари Молдавия давлати ишлаб чиқарувчиларига тўғри келган бўлиб 53%, энг қиммат дори воситаси эса Арманистон давлатида истеъмол қилиниши аниқланган[59,62,63,64,65,75].

Ўзбекистон шароитида маҳаллий фармацевтика корхоналарида дори воситаларининг нархлари шаклланишида ишлаб чиқариш жараёнидаги сарф-харажат кўрсаткичлари ўрганилиб, маҳаллий ва хориждан келтирилган дори воситаларининг нархлари таҳлил қилинганда бир хил дори шакли ва дозага эга бўлган баъзи дори воситаларининг нархи ўртасидаги тафовут 1,1–5 баробаргача фарқ қилиши аниқланган .

Дори воситаларини ишлаб чиқаришда маҳаллий хомашёлардан фойдаланилса, валюта сарф-харажатларининг қисқаришига олиб келади. Ҳисоб-китобларга кўра, маҳсулотларни қайта ишлаб, бирламчи хомашёдан охиригача бўлган жараён импорт учун кетадиган валюта сарф-харажатларини 40% гача қисқаришига олиб келади [57].

Дорихоналарда дори воситаларининг нархи ўзгариши бир тартибда эмаслиги ва ушбу ҳолатни етказиб берувчиларда ҳам кўриш мумкин. Иқтисодий инқироз натижасида дори воситалари истеъмолининг

ўзгариши Россия Федерациясининг фармацевтика бозорида ўз аксини  
қилди ва охир-оқибат нарх-наво пасайди [57,59,62,63,64,65,75].

### I – боб бўйича хулоса

1. Маҳаллий ва хорижий адабиётларда, интернет маълумотлари дори  
вакситалари истеъмолининг назарий жиҳатлари таҳлил килинди.

2. Давлатлар ва минтақаларда аҳолини дори воситалари билан  
таъминлашда нархлар белгилаш кўрсаткичлари ёритилди. Ҳар бир  
давлатнинг фармацевтика бозоридаги ўзига хос хусусиятлари, дори  
вакситалари истеъмоли ўзгариши нархларга, мисоллар билан баён этилди.

3. Давлат томонидан ажратиладиган маблағлардан оқилона  
фойдаланилгани учун нарх муҳим рол ўйнашига мисоллар келтирилди..

6. Таҳлил натижаларига асосланиб, фармакоиқтисодий таҳлил олиб  
барилди, ҳамда иқтисодий сарф-харажатларни қисқартириш мумкин.

## II БОБ

# СУРУНКАЛИ ФАРИНГИТ, НАЗАФАРИНГИТ, СИНУСИТ, РИНИТ КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ХУДУДЛАР БЎЙИЧА ТАРҚАЛИШИ ВА УНДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

### 1. 1. Биринчи марта ташхис қўйилган сурункали фарингит, назафарингит, синусит, ринит касалликларининг абсолют кўрсаткичларини ҳудудлар бўйича тарқалиши таҳлили

Бирламчи статистика маълумотларига асосланиб, биринчи марта ташхис қўйилган сурункали фарингит, назафарингит, синусит, ринит касалликларининг абсолют кўрсаткичларини касалликларининг ҳудудлар бўйича тарқалиш кўрсаткичини ўрганиш тиббиётда энг долзарб муаммолардан биридир. Шу кўрсаткичга асосланиб, касалликни даволаш ишларини ташкил қилиш ва унда қўлланиладиган дори воситалари истеъмолининг сарф-харажатларини ўрганиш мумкин. Ташхис ёрдамида даволаш учун зарур харажатларни тўғри режалаштириш ва оқилона фойдаланиш имконини яратиш тиббиёт ва фармацевтикада энг долзарб муаммолардан биридир. Илмий изланишимизда биринчи марта ташхис қўйилган сурункали фарингит, назафарингит, синусит, ринит касалликларининг абсолют кўрсаткичлари ҳудудлар бўйича тарқалиши таҳлили кўрсаткичини таққослашни тадқиқотни дастлабки босқичида ўрганишни лозим топдик.

Статистика кўрсаткичларига асосланиб, биринчи марта ташхис қўйилган сурункали фарингит, назафарингит, синусит, ринит касалликларининг абсолют кўрсаткичлари касалликларининг ҳудудлар бўйича тарқалиши сонини ҳамда тарқалиш кўрсаткичини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Саломатлик ва тиббий статистика институтининг расмий равишда қайд этилган статистика кўрсаткичига асосланиб ва таҳлил қилинди.

Сурункали фарингит, назофарингит, синусит, ринит касалликларининг абсолют кўрсаткичлари  
(Улардан биринчи марта ташхис қўйилганлари)

Маъмурий ҳудудлар	Йиллар							2012 й.да 2007 й. дагига нисбатан ўсиш, %
	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2012	
Тошкент шаҳри	4260	4254	5426	3979	3401	3571	74,5	
Андижон вилояти	3141	3064	3122	2730	2441	2563	81,6	
Бухоро вилояти	21351	20447	19976	17002	16450	17272	86,9	
Жиззах вилояти	7971	9410	9737	11249	11359	11926	149	
Қашқадарё вилояти	4911	5950	6779	7922	8093	8497	173	
Навоний вилояти	8670	8263	7641	11952	13588	14267	-	
Наманган вилояти	24628	19955	13910	8052	11719	12304	50	
Самарқанд вилояти	4088	4659	4796	6316	6092	6396	156	
Сурхондарё вилояти	9672	13823	17850	13110	12211	12821	132,36	
Сирдарё вилояти	3579	3256	3421	2563	3309	3474	97	
Тошкент вилояти	11222	5801	6896	8630	15386	16155	144	
Фарғона вилояти	18440	22673	26725	26430	27425	28796	151	
Хоразм вилояти	10016	11917	12077	10675	10248	10760	107	
Қорақалпоғистон Республикаси	4153	4679	6025	6538	8985	9434	227	
Ўзбекистон Республикаси бўйича	128299	138151	144381	137148	150707	158242	123	

Илмий тадқиқотлар натижаларига кўра сурункали фарингит, назафарингит, синусит, ринит касалликларининг абсолют кўрсаткичлари, улардан биринчи марта ташхис қўйилганлари, ҳамма касалликлар сони ҳудудлар бўйича 1.1 жадвалда, Тошкент шаҳрида 2007 йилда 4260 та, 2008 йилда 4254 та, 2009 йилда 5426 та, 2010 йилда 3979 та, 2011 йилда 3401 та, 2012 йилда 3571 тани ташкил этган. Бухоро вилоятида 2007 йилда 21351 та, 2008 йилда 20477 та, 2009 йилда 19976 та, 2010 йилда 17002 та, 2011 йилда 16450 та, 2012 йилда 17252 та, Наманган вилоятида 2007 йилда 24628 та, 2008 йилда 19955 та, 2009 йилда 13910 та, 2010 йилда 8052 та, 2011 йилда 11719 та, 2012 йилда 12304 та, Сурхондарё вилоятида 2007 йилда 9672 та, 2008 йилда 13823 та, 2009 йилда 17850 та, 2010 йилда 13110 та, 2011 йилда 12211 та, 2012 йилда 12821 та қайд этилган. Фарғона вилоятида 2007 йилда 18440 та, 2008 йилда 22673 та, 2009 йилда 26725 та, 2010 йилда 26430 та, 2011 йилда 27425 та, 2012 йилда 28796 та, Ўзбекистон Республикаси бўйича 2007 йилда 128299 та, 2008 йилда 138151 та, 2009 йилда 144381 та, 2010 йилда 137148 та, 2011 йилда 150707 та, 2012 йилда 158242 та қайд этилган.

2012 йилда 2007 йилларига нисбатан ўсиш кўрсаткичи Жиззах вилоятида 149%, қашқадарё вилоятида 173%, Қорақалпоғистон Республикасидир. 227%, Ўзбекистон Республикаси бўйича 123% ташкил қилди.

1.2 жадвалда сурункали фарингит, назафарингит, синусит, ринит касалликларининг абсолют кўрсаткичлари ўсмирлар ўртасида биринчи марта ташхис қўйилганлари, ҳаммаси Жиззах вилоятида 2007 йилда 1768 та, 2008 йилда 2558 та, 2009 йилда 1525 та, 2010 йилда 3029 та, 2011 йилда 3134 та, 2012 йилда 3290 та Хоразм вилоятида 2007 йилда 1206 та, 2008 йилда 1579 та, 2009 йилда 2814 та, 2010 йилда 2114 та, 2011 йилда 2029 та, 2012 йилда 2130 та, Қорақалпоғистон Республикасида 2007 йилда 414 та, 2008 йилда 541 та, 2009 йилда 458 та, 2010 йилда 434 та, 2011 йилда 515 та, 2012 йилда 540 та,

Сурункали фарингит, назафарингит, синусит, ринит касалликларининг абсолют кўрсаткичлари  
(ўсмирлар ўртасида биринчи марта ташxis кўйилганлари)

Маъмурий худудлар	Йиллар						2012 й. да 2007 й. дагига нисбатан ўсиш, %
	2007	2008	2009	2010	2011	2012	
Тошкент шаҳри	3120	334	742	539	512	537	17
Андижон вилояти	251	320	332	495	369	387	154
Бухоро вилояти	4520	4216	2888	2750	2033	2134	47,2
Жиззах вилояти	1768	2558	1525	3029	3134	3290	186
Қашқадарё вилояти	992	1408	1559	1741	1524	1600	161
Навоий вилояти	129	928	1043	1185	837	878	68
Наманган вилояти	1109	814	490	634	1028	1079	97
Самарқанд вилояти	493	742	1004	790	786	825	167
Сурхондарё вилояти	452	661	1285	158	1335	1401	3,09
Сирдарё вилояти	304	321	328	279	305	320	105
Тошкент вилояти	1637	1433	1768	1445	1832	1923	117
Фаргона вилояти	1726	2479	2759	3491	5106	5361	310
Хоразм вилояти	1206	1579	2814	2114	2029	2130	176
Қорақалпоғистон Республикаси	414	541	458	434	515	540	130
Ўзбекистон Республикаси бўйича	15313	18334	18995	20515	21345	22412	146

Маъмурий ҳудудлар	Йиллар								2012 й.да 2007 й. дагига нисбатан ўсиш, %
	2007	2008	2009	2010	2011	2012			
Тошкент шаҳри	1753	1019	1773	1479	1385	1454	83		
Андижон вилояти	781	898	916	1044	858	900	115		
Бухоро вилояти	6286	7043	5345	5802	5186	5445	87		
Жиззах вилояти	2226	3064	2031	3535	3992	4191	188		
Қашқадарё вилояти	2233	2317	2630	2771	2352	2469	111		
Навоний вилояти	408	1340	1225	1403	1131	1187	291		
Наманган вилояти	2503	2370	1767	842	1345	1412	56		
Самарқанд вилояти	1308	1250	1884	1723	2755	2892	221		
Сурхондарё вилояти	1634	1319	1788	1944	1743	1830	112		
Сирдарё вилояти	649	653	619	518	643	675	104		
Тошкент вилояти	3023	2920	3185	2817	3185	3344	111		
Фарғона вилояти	2964	4296	3322	5164	8197	8606	290		
Хоразм вилояти	2456	2797	3879	3597	3268	3431	140		
Қорақалпоғистон Республикаси	697	823	797	808	873	916	131		
Ўзбекистон Республикаси бўйича	28921	32109	31161	33447	36913	38758	134		

Сурункали фарингит, назафарингит, синусит, ринит касалликларининг абсолют кўрсаткичларини катталар ўртасида рўйхатдан ўтган касалликларини ҳаммаси)

Маъмурий худудлар	Йиллар										2012 й.да 2007 й. дагига нисбатан ўсиш, %	
	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2011	2010	2009	2008		
Тошкент шаҳри	8631	7848	8931	7365	6657	6989	6657	7365	8931	7848	6989	81
Андижон вилояти	3855	4126	4120	3697	3537	3713	3537	3697	4120	4126	3713	96
Бухоро вилояти	7926	11487	11940	10488	8855	9297	8855	10488	11940	11487	9297	118
Жиззах вилояти	2960	3845	5325	5329	5686	5970	5686	5329	5325	3845	5970	202
Қашқадарё вилояти	4556	4770	5160	5956	4856	5098	4856	5956	5160	4770	5098	112
Навоний вилояти	1592	3580	5727	8912	9984	10483	9984	8912	5727	3580	10483	658
Наманган вилояти	4745	4355	2414	3828	5195	5454	5195	3828	2414	4355	5454	115
Самарқанд вилояти	3050	3906	4393	5875	6295	6609	6295	5875	4393	3906	6609	117
Сурхондарё вилояти	10119	6890	7127	7650	7261	7624	7261	7650	7127	6890	7624	75
Сирдарё вилояти	2045	2273	1327	2340	3079	3232	3079	2340	1327	2273	3232	158
Тошкент вилояти	9021	5834	6633	7242	12373	12991	12373	7242	6633	5834	12991	144
Фарғона вилояти	14141	11399	11511	14223	15555	16332	15555	14223	11511	11399	16332	115
Хоразм вилояти	7219	7724	13651	7799	8081	8485	8081	7799	13651	7724	8485	118
Қорақалпоғистон Республикаси	3176	3585	3897	4137	5782	6071	5782	4137	3897	3585	6071	191
Ўзбекистон Республикаси бўйича	83036	81622	92156	94841	103196	108355	103196	94841	92156	81622	108355	130

Ўзбекистон Республикаси бўйича 2007 йилда 15313 та, 2008 йилда 18334 та, 2009 йилда 18995 та, 2010 йилда 20515 та, 2011 йилда 21345 та, 2012 йилда 22412 та ташкил этган.

Статистик кўрсаткичларга кўра республика худудининг экология ёмон худудларида кенг тарқалган. 2012 йилда 2007 йилдагига нисбатан ўсиш кўрсаткичи Жиззах вилоятида 186%, Хоразм вилоятида 176%, Ўзбекистон Республикаси бўйича 146% ташкил этган.

1.3 жадвалда сурункали фарингит, назафарингит, синусит, ринит касалликларининг абсолют кўрсаткичлари ўсмирлар (15–17 ёшли) ўртасида рўйхатдан ўтган касалликларни ҳаммаси Тошкент шаҳрида 2007 йилда 1753 та, 2008 йилда 1019 та, 2009 йилда 1773 та, 2010 йилда 1479 та, 2011 йилда 1385 та, 2012 йилда 1454 та, Бухоро вилоятида 2007 йилда 6286 та, 2008 йилда 7043 та, 2009 йилда 5345 та, 2010 йилда 5802 та, 2011 йилда 5186 та, 2012 йилда 5445 та, Наманган вилоятида 2007 йилда 2503 та, 2008 йилда 2370 та, 2009 йилда 1767 та, 2010 йилда 842 та, 2011 йилда 1345 та, 2012 йилда 1412 та, Фарғона вилоятида 2007 йилда 2964 та, 2008 йилда 4296 та, 2009 йилда 3322 та, 2010 йилда 5164 та, 2011 йилда 8197 та, 2012 йилда 8606 та, Ўзбекистон Республикаси бўйича 2007 йилда 28921 та, 2008 йилда 32109 та, 2009 йилда 31161 та, 2010 йилда 33447 та, 2011 йилда 36913 та, 2012 йилда 38758 тани ташкил этган.

2012 йилда 2007 йилдагига нисбатан ўсиш кўрсаткичи, Қашқадарё вилоятида 291%, Наманган вилоятида 221%, Тошкент вилоятида 290%, Ўзбекистон Республикаси бўйича 134 % ташкил этди.

1.4 жадвалда сурункали фарингит, назафарингит, синусит, ринит касалликларининг абсолют кўрсаткичлари катталар ўртасида рўйхатдан ўтган касалликларни ҳаммаси Жиззах вилоятида 2007 йилда 2960 та, 2008 йилда 3845 та, 2009 йилда 2325 та, 2010 йилда 5329 та, 2011 йилда 5686 та, 2012 йилда 5970 та, Хоразм вилоятида 2007 йилда 7219 та, 2008 йилда 7724 та, 2009 йилда 13651 та, 2010 йилда 7799 та, 2011 йилда 8081 та, 2012 йилда 8485 та, Қорақалпоғистон Республикасида 2007 йилда 3776 та, 2008

2008 йилда 3585 та, 2009 йилда 3897 та, 2010 йилда 4137 та, 2011 йилда 5782 та, 2012 йилда 6071 та, Ўзбекистон Республикаси бўйича 2007 йилда 83036 та, 2008 йилда 81622 та, 2009 йилда 92156 та, 2010 йилда 94842 та, 2011 йилда 105196 та, 2012 йилда 108355 тани ташкил этган.

2012 йилда 2007 йилдагига нисбатан ўсиш кўрсаткичи Жиззах вилоятида 202 %, Навоий вилоятида 658 % Қорақалпоғистон Республикасида 191 %, Ўзбекистон Республикаси бўйича 130 % ташкил этган.

## **2.2. Синусит касаллигида қўлланиладиган дори воситаларининг истеъмолини таҳлил қилиш**

Сўнгги йилларда халқимизнинг турмуш шароити ва тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида Хукуматимиз томонидан бир-қатор чор тадбирлар амалга оширилмоқда.

“2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги bosқичга кўтарадиган йил бўлади”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидлаб ўтганидек, «Саноат маҳсулоти умумий ўсишининг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга бағишланган соҳалар ташкил этди. Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг локомотивига айланган машинасозлик (12,2 фоиз), кимё ва нефть-кимё соҳаси (9,4 фоиз), фармацевтика ва мебелсозлик (18 фоиз) 2011 йилда кўп қатмарли суръатлар билан ривожланди»<sup>2</sup> [1].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 2012 йилда амалда қолган ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда

<sup>2</sup> Каримов И. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги bosқичга кўтарадиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Тошкент оқдони. – № 14 (12.075). 2012 йил, 20 январь. 1 б.

2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш» маърузасида таъкидлаб ўтганидек, «Бу даврда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,2 фоизга ўсди, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 7,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги 7 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми 13,9 фоизга ошди. I

- Инфляция даражасининг ўсиш суръати прогноз кўрсаткичлари доирасида сақлаб қолинди ва 7 фоиздан ошмади. I

- Давлат жами харажатларининг асосий қисми, яъни қарийб 59,2 фоизи ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чоратadbирларини амалга оширишга қаратилди, унинг 34 фоиздан ортиғи таълим, 14,5 фоиздан кўпроғи соғлиқни сақлаш соҳаларини молиялаштиришга йўналтирилди»<sup>3</sup>[2].

Бироқ, соғлиқни сақлаш тизимида энг долзарб муаммолардан бири бу сурункали касалликларни даволаш ва дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни такомиллаштириш ҳисобланади. Бу касалликлар орасидан нафас олиш аъзолари касалликлари ичида синусит кенг тарқалган касалликлар қаторига киради. Сурункали синусит сурункали касалликлар орасида тарқалиши бўйича биринчи ўринда туради (146/1000 аҳолига). Аҳоли орасида ўртача 5–15% катталар, 5 % болалар ушбу касалликнинг у ёки бу шакли билан азият чекади. Аҳоли орасида синусит касаллиги ортиб бориши билан унда қўлланиладиган дори воситаларига талаб ҳам ошиб боради.

Илмий изланишларимиз давомида синусит касаллигида қўлланиладиган дори воситаларини бозорини ўрганиш ва дори воситаларини ассортиментини қиёсий таҳлил қилиш ҳамда таъминотини такомиллаштириш учун Дори воситалари ва тиббий буюмлар Давлат

---

<sup>3</sup>Каримов И. «Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш». Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш асулилари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси // O'ZBEKISTON OVOZI. 8 (31.598), 2013 йил, 19 январь. 1–3 Б.

реестри, “Дори воситалари ва тиббий буюмларнинг жамланма прайс-списоки” ва ВИДАЛЬ малумотларидан фойдаландик.

Дори воситаларининг ассортиментини таҳлили қилишда Республикамиз тиббиёт амалиётида ишлатиш учун рухсат этилган синусит касаллигини даволашда қўлланиладиган дори воситаларининг умумий ва индивидуал хусусиятларига асосланган ҳолда таҳлил қилинди. Умумий жиҳатдан синусит касаллигида қўлланиладиган дори воситалари Дори воситалари ва тиббий буюмлар давлат реестри бўйича 178 тани ташкил қилади.

## 2.1 жадвал

Синусит касаллигида қўлланиладиган дори воситаларини Дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг Давлат Реестрида қайд этилиши кўрсаткичи


Ишлаб чиқарувчилар	Дори воситалари	Ҳисса
Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар	15	8,4
Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ишлаб чиқарувчилар	22	12,4
Хорижий ишлаб чиқарувчилар	141	79,2
Жами	178	100

2.1-жадвалда келтирилган кўрсаткичга кўра, шундан хориждан келтириладиган дори воситалар 141 тани, (79,2%) Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларидан шу савдо ном билан ишлаб чиқариладиган дори воситалари 22 тани (12,4%), маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган дори воситалари 15 тани (8,4%) ташкил қилади.

Синусит касаллигини даволашда қўлланиладиган қуйидаги фармакотерапевтик гуруҳларга оид дори воситаларига бўлинади: лор органларини даволовчи дори воситалари, сульфаниламидлар, антибиотиклар, синтетик антибактериал дори воситалари, макролитиклар,

бронхолитиклар, иммуномодуляторлар, балғам кўчирувчи, яллиғланишга қарши ностероид воситалар ва ферментлар.

Дори воситалари ва тиббий буюмлар Давлат Реестр бўйича қуйидаги фармакотерапевтик таъсири бўйича таҳлил натижалари фоиз кўрсаткичларини кўрадиган бўлсак, синтетик антибактериал дори воситалари – 36,2%, макролитиклар – 27,6%, антибиотиклар – 21,3%, лор органларини даволовчи дори воситалари – 6,4%, балғам кўчирувчилар – 4,3%, бронхолитиклар – 1,4%, сульфаниламидлар – 0,7%, иммуномодуляторлар – 0,7%, яллиғланишга қарши ностероид воситалар – 0,7%, ферментлар – 0,7% ни ташкил этиши аниқланди.(2.1- расм)



2.1 расм

Синусит касаллигида қўлланиладиган дори воситаларини ишлаб чиқарувчи давлатлар томонидан Дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг Давлат Реестрида қайд этилиши

Фармацевтика бозорида турли саноатчилар томонидан синусит касаллигида қўлланиладиган халқаро номи, дори шакли ва дозаси бир хил, савдо номи турлича дори препаратларининг ассортименти таҳлил қилинди. Фармакологик гуруҳига тегишли халқаро ва савдо номи, дори шакли, дозаси бўйича хорижий ишлаб чиқарувчилар томонидан дори воситаларининг қайд этилиш кўрсаткичи юқори эканлиги аниқланди.

### **2.3. Синусит касаллигида қўлланиладиган Халқаро номи “Рокромицин” нархларини қиёсий таҳлили.**

Синусит касаллигида қўлланиладиган рокромицин дори воситаси қиёсий таҳлил ўтказдик. 2.2-жадвалда 3 мамлакатнинг 4 та фармацевтика корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган халқаро номи рокситромицин дори воситаси 3 та цефтриаксон савдо номи остидаги дори препаратлари ҳақидаги маълумотлар келтирилди. Чиқарилиш шакли ва дозасига кўра 11 та дори препаратлар кўриб чиқилди. 19 та воситачи фирмалар нархлар орасидаги фарқ “Gufic Avicenna KK”, Ўзбекистон, ишлаб чиқарувчи корхона билан “Anfarm Hellassa”, Греция ишлаб чиқарувчи корхона орасидаги фарқ (4,3) 19570 сўмни ташкил этди.

2.3-жадвалда 1 мамлакатнинг 1 та фармацевтика корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган Халқаро номи полиоксидоний дори препаратлари ҳақидаги маълумотлар келтирилди. Чиқарилиш шакли ва дозасига кўра 5 хил номдагилари кўриб чиқилди. Нархлар орасидаги фарқ 1 та шакил этди.

Савдо номи	Уста	Савдо номи	Мақс-мал нархдан фарқла ри, (сўм)	Воситачи фирма	Ишлаб чиқарувчи	Давлатлар
Рокситромицин таб 150мг №10	0%	5900	19 570	Toshkent shahar Dori Darmon	Gufik-Avicenna КҚ	Ўзбекистон
Рокситромицин таб 150мг №10	5%	6195	19 275	Trade Link Corp.	Gufik-Avicenna КҚ	Ўзбекистон
Рокситромицин таб 150мг №10	10%	6490	18 980	Toshkent vil. Dori Darmon	Gufik-Avicenna КҚ	Ўзбекистон
Роксibel таб 150мг №10	-	10650	14 820	Sogdapharm	Nobel Pharmasanoat ХФ	Ўзбекистон
Роксibel таб 150мг №10	10%	10650	14 820	Garmonia farm	Nobel Pharmasanoat ХФ	Ўзбекистон
Роксibel таб 150мг №10	-	11000	14 470	Nobel-Pharm.	Nobel Pharmasanoat ХФ	Ўзбекистон
Рокситромицин таб 150мг №10	15%	16612	8858	Sonata Holding	Lek	Словения
Рокситромицин таб 150мг №10	-	17000	8470	Sogdapharm	Lek	Словения
Рокситромицин таб 150мг №10	-	18580	6890	Neo Farm	Lek	Словения
Рокситромицин таб 150мг №10	16%	18800	6670	Novotek	Lek	Словения



Халқаро номи “Полиоксидоний” дори пренаратларининг нарх-новаларини «Дори  
воситалари ва тиббиёт буюмлари нархлари прайси»нинг қийёсий тахлили

Савдо номи	Уста	Максим ал нархдан фарқлар и, (сўм)	Воситачи фирма	Ишлаб чиқарувчи	Давлатлар
Полиоксидоний лиоф. пор. ин. у.3 мг №5	67000	32 199	Sam Eko Farm	Петровакс Фарм	Россия
Полиоксидоний лиоф.пор.д/ин.3мг №5	77385	21814	Sonata Holding	Петровакс Фарм	Россия
Полиоксидоний лиоф.пор.д/ин.3мг №5	81820	17379	Astera	Петровакс Фарм	Россия
Полиоксидоний лиоф.пор.д/ин.3мг №5	82746	16453	ATM partners	Петровакс Фарм	Россия
Полиоксидоний лиоф.пор.д/ин.3мг №5	89656	9543	Lahisam	Петровакс Фарм	Россия
Полиоксидоний лиоф.пор.д/ин.3мг №5	92000	7192	Navbahor savdo	Петровакс Фарм	Россия
Полиоксидоний лиоф.пор.д/ин.3мг №5	93249	5950	Asklepiy	Петровакс Фарм	Россия
Полиоксидоний лиоф.пор.д/ин.3мг №5	93500	5699	Sogdapharm	Петровакс Фарм	Россия
Полиоксидоний лиоф.пор.д/ин.3мг №5	94515	4684	Lahisam	Петровакс Фарм	Россия
Полиоксидоний лиоф.пор.д/ин.3мг №5	99199		Toshkent shahar Dori Darmon	Петровакс Фарм	Россия
Полиоксидоний лиоф.пор.д/ин.6мг №5	106500	49773	Sam Eko Farm	Петровакс Фарм	Россия
Полиоксидоний лиоф.пор.д/ин.6мг №5	110333	45940	Astera	Петровакс Фарм	Россия
Полиоксидоний лиоф.пор.д/ин.6мг №5	126610	29663	Sonata Holding	Петровакс Фарм	Россия
Полиоксидоний лиоф.пор.д/ин.6мг №5	130923	25350	Versus	Петровакс Фарм	Россия
Полиоксидоний лиоф.пор.д/ин.6мг №5	141803	14470	Lahisam	Петровакс Фарм	Россия
Полиоксидоний лиоф.пор.д/ин.6мг №5	155589	684	Navbahor savdo	Петровакс Фарм	Россия
Полиоксидоний лиоф.пор.д/ин.6мг №5	156273		Toshkent shahar Dori Darmon	Петровакс Фарм	Россия

Полиоксидоний рект. свечи 12мг №10	15%	82500	72414	Nonata Holding	Петровакс Фарм	Россия
Полиоксидоний рект. свечи 12мг №10	12%	104103	50811	Trade Link Corp.	Петровакс Фарм	Россия
Полиоксидоний рект. свечи 12мг №10	12%	121599	33515	Toshkent vil. Dori Darmon	Петровакс Фарм	Россия
Полиоксидоний рект. свечи 12мг №10	15%	132589	22325	Navbahor savdo	Петровакс Фарм	Россия
Полиоксидоний рект. свечи 12мг №10	10%	136101	18813	Lahisam	Петровакс Фарм	Россия
Полиоксидоний рект. свечи 12мг №10	7%	154914		Toshkent shahar Dori Darmon	Петровакс Фарм	Россия
Полиоксидоний таб 12мг №10	12%	77779	39086	Malxam servis	Петровакс Фарм	Россия
Полиоксидоний рект. свечи 6мг №10	12%	87949	28916	Trade Link Corp.	Петровакс Фарм	Россия
Полиоксидоний рект. свечи 6мг №10	11%	105206	11659	ATM partners	Петровакс Фарм	Россия
Полиоксидоний рект. свечи 6мг №10	10%	105526	11339	Lahisam	Петровакс Фарм	Россия
Полиоксидоний рект. свечи 6мг №10	12%	110079	6786	Toshkent vil. Dori Darmon	Петровакс Фарм	Россия
Полиоксидоний рект. свечи 6мг №10	7%	116865		Toshkent shahar Dori Darmon	Петровакс Фарм	Россия

